

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кредит-иқтисод факультети

декани, и.ф.н., доц.

Саттаров О.Б. _____

“ _____ ” _____ 2014 й.

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

ГАДОЕВ ЭРКИНЖОН ЧОРИЕВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҲИСОБ-КИТОБ
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ**

5340700 – “Банк иши” таълим

йўналиши бўйича

бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

ўқ. Тангишов М

“ _____ ” _____ 2014 й.

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Банк иши”

кафедраси мудир

доц.Д.Саидов.

“ _____ ” _____ 2014 й.

Тошкент - 2014

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҲИСОБ-КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Тижорат банкларининг ҳисоб-китоб операциялари ҳақида тушунча ва уларнинг аҳамияти.....
- 1.2. Тижорат банклари ҳисоб-китоб операцияларининг иқтисодий-ҳуқуқий асослари ва уларнинг амалиётда қўлланилиши.....

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҲИСОБ-КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ҲОЛАТИ ВА ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида ҳисоб-китоб операцияларини ташкил этилиши ҳолати ва уларнинг ривожланиш босқичлари
- 2.2. Тижорат банклари фаолиятида ҳисоб-китоб операцияларини ташкил этилиши самарадорлиги

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҲИСОБ-КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Тобора ривожланиб бораётган бутун жахон молиявий-иқтисодий тизимида банкларнинг етакчи вазифани бажараётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса тўловлар тизимининг самарали ишлаш принципларининг ташкил этилиши мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириши шубҳасиздир.

Шундай экан бугунги кунда банклараро ҳисоб-китоблар тизимининг нақадар самарали ташкил этилганлигига қараб шу давлатдаги молиявий жараёнарнинг ривожланганлик даражасини билишимиз мумкин. Бу эса банклараро ҳисоб-китоблар тизимининг нақадар долзарб аҳамият касб этишини англатади.

Иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида республикамызда фаолият юритаётган банкларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Чунки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳеч бири банк хизматини четлаб ўтиб фаолият юрита олмайди, ўзаро ҳисоб-китобларини банк ёрдамисиз ўткази олмайди. Шу сабабли банк тизимини мустахкамлаш, уларнинг эркинлигини ошириш йўлида ислохотларга ҳукумат миқёсида эътибор бериб келмоқда. Чунки банк тизимида ўтказилаётган ислохотлар нафақат банкларнинг, балки бутун иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши республикада фаолият юритаётган банкларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшади. Ушбу қарорда тижорат банкларнинг ташкил этишга қўйиладиган талаблари, уларнинг операциялари, имтиёзлар, кредитлаш билан боғлиқ муаммоларга алоҳида ўрин ажратилган. Ҳозирги кунда банк тизими ривожланиб борар экан, банклар ўртасидаги ўзаро алоқалар, ҳисоб-китобларни ўтказиш механизмини такомиллаштириш талаб этилади.

Сўнгги йилларда республикаимиз ҳукумати электрон тижоратни жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган бир нечта қарорлар қабул қилди. Улар сирасига Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сонли “Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2007 йил 12 июндаги 120-сонли “Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни амалга оширишни янада такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарорларини киритиш мумкин.

Юртбошимиз “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида “...Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган иқтисодий танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгга бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди.” деб таъкидлаганлар.¹

Шундай экан, банклар фаолияти устидан назоратнинг етарлилиги ва самарадорлиги, мамлакатдаги тўлов тизимини янада такомиллаштириш - иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий омилидир.

Банкларда ҳисоб-китоб тизими ва уни такомиллаштириш масалаларининг назарий асослари хорижлик иқтисодчи олимлар - Э.Долан², О.И.Лаврушин³, Белоглазова Г.Н.⁴, Р.Л.Миллер⁵, Г.С.Панова, Д.Полфреман, Э.Рид, П.Роуз, Дж.Синки, В.Усоскин каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Тўлов тизими ва уни такомиллаштириш масалаларининг айрим назарий ва амалий жиҳатлари А.Вахабов⁶, Ф.Муллажанов⁷, Ш.Абдуллаева⁸, Н.Жумаев О.Олимжонов, О.Намозов, Р.Шомуродов, И.Муругова,

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.:Ўзбекистон 2009, 4 бет.

² Долан Э. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – М.: Ленинград. 1991

³ Лаврушин О.И. Деньги, кредит, банки. – М.: КНОРУС, 2009.

⁴ Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: Высшее образование.

⁵ Миллер Л.Р., Ван-Хуз Д.Д. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. – Москва: Инфра-М.

⁶ Вахабов А.В., Бобакулов Т.И. Национальная денежная единица – сум Республики Узбекистан//Central Eurasia: national currencies. Monograph. – Stockholm, 2008.

⁷ Муллажанов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

⁸ Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2005.

Т.Қоралиев, К.Наврўзова, З.Холмахмадов, Т.Бобақуловлар⁹нинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Шундан келиб чиқиб, битирув малакавий ишида таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу мавзунинг ўрганишдан мақсад эндиликда ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва айниқса банк тизимининг нечоғлик самарали фаолият олиб бораётганлигини тадқиқ этиш ва тегишли хулосаларни чиқаришдир. Бунинг учун мамлакатимизда амалга оширилган сўнгги 23 йил давомидаги ўзгаришлар ва уларнинг таркибида банклараро ҳисоб-китоблар ва турли операцияларни алоҳида кузатиб ўтиш жоиз деб топилди.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари қуйидагилар:

- ҳисоб-китоб ва тўлов тизимининг моҳияти, аҳамияти ва зарурлигини назарий асосларини ёритиб бериш;
- ҳисоб-китоб ва тўлов тизимининг таркибий тузилиши ва уларнинг тавсифи ёритиш;
- ҳисоб-китоб ва тўлов тизимини такомиллаштириш босқичларини ўрганиш;
- нақд пулли ҳисоб-китоб ва тўлов тизими ҳолатини таҳлил қилиш;
- нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳолатини таҳлил қилиш;
- нақд пулли ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни мувофиқлаштириш масалаларини ёритиш;
- банклар фаолиятида ҳисоб-китоб ва тўлов тизими муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари ёритиш;
- ҳисоб-китоб ва тўлов тизимини такомиллаштириш масалаларини ўрганиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг банк ҳисоб-китоб ва тўлов тизимига таъсири бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Малакавий ишнинг объекти - Ўзбекистон Республикаси Марказий

⁹ Бобақулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Тошкент: Fan va texnologiya

банки ва тижорат банклари ҳисобланади.

Ишнинг предмети – ҳисоб-китоб ва тўлов тизими ҳамда уни такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган муносабатлар ҳисобланади.

Ишнинг назарий ва услубий асослари. Ҳисоб-китоб ва тўлов тизими ва уни такомиллаштириш масалалари бўйича хорижий ҳамда маҳаллий иқтисодчи олимлар илмий ишлари, чоп этилган дарсликларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг илмий ишларидан, мунтазам матбуотда чоп этилган илмий мақолалар ва банкларнинг статистик ҳисобот материалларидан фойдаланилди.

Малакавий ишнинг амалий аҳамияти. Ишнинг натижалари ҳисоб-китоб ва тўлов тизими ва уни такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси банклари фаолиятида, тўлов тизими ва уни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Малакавий иш материалларидан олий ўқув юртлари, коллежларда «Банк иши», «Пул, кредит ва банклар», ва бошқа банк билан боғлиқ фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Малакавий иш таркибан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхати ҳамда иловалардан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммони ўрганилгалик даражаси, мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти, ишнинг амалий аҳамияти ёритиб берилган.

I боб. Тижорат банкларида ҳисоб-китоб операцияларининг ташкил этилиши назарий асослари деб номланади ва у 2 қисмни ўз ичига олган ҳолда

тижорат банкларида ҳисоб-китоб операциялари ҳақида тушунча ва уларнинг аҳамияти, ҳисоб-китоб операциялари иқтисодий-ҳуқуқий асослари ва уларнинг амалиётда қўлланилиши ҳақида батафсиф маълумот беришни ўз ичига олади.

II боб. Ўзбекистон тижорат банкларида ҳисоб-китоб операцияларини ташкил этилиши ҳолати ва фойдаланиш самарадорлиги ҳисобланади ҳамда 2 қисмдан ташкил топган ҳолда Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида ҳисоб-китоб операцияларини ташкил этилиши ҳолати ва уларнинг ривожланиш босқичлари ва тижорат банклари фаолиятида ҳисоб-китоб операцияларини ташкил этилиши самарадорлиги кўрсаткичларининг таҳлили натижалари баён этилади.

III боб. Ўзбекистон тижорат банкларида ҳисоб-китоб операцияларини такомиллаштириш истиқболлари ва хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари деб аталади ҳамда унда бугунги кунда энг оммабоп тажриба ўрганиш усулларида бўлмиш хориж мамлакатлари хусусан, ривожланган ғарбий Европа, АҚШ ва Япония давлатлари банк тизимида қўлланилаётган турли усуллар ва воситалар ҳақида сўз юритилади.

Умуман олганда ушбу битирув малакавий иши мавзусини ўрганиш ва аниқ хулосаларга эга бўлиш баробарида кўплаб фойдали маълумотлар излаб топилди ҳамда бу ишни яхши ёритишга ёрдам берди.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҲИСОБ-КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тижорат банкларининг ҳисоб-китоб операциялари ҳақида тушунча ва уларнинг аҳамияти

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири - пул айланишини тўғри ва аниқ ташкил қилишдан иборат, чунки бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларининг ҳолати ва тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Корхона ва ташкилотлар ўзларининг хўжалик фаолиятлари жараёнида доимо бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Улар ўртасида товар айрибошлаш жараёни пул ва пулли ҳисоб китоблар ёрдамида амалга оширилади. Товар айрибошлашнинг ўзи эса пул айланишининг моддий асоси бўлиб ҳисобланади, унинг асосида бошқа пулли муносабатлар вужудга келади.

Тижорат банкларида ҳисоб-китоб операциялари бевосита банклар томонидан ўзларининг функционал вазифалари бўлмиш тўловларни амалга ошираётганда юзага келади. Тўловлар амалга оширилаётганда тўлов тизимининг субъектлари ўртасида юзага келадиган муносабатлар мажмуи *тўлов тизимидир*. Тўлов тизимини бошқа сўз билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими дейиш мумкин.

Тўлов тизимининг турлари:

- банклараро тўлов тизими;
- банкнинг ички тўлов тизими;
- чакана тўловлар тизими.

Банклараро тўлов тизими банклар ўртасидаги электрон тўловларни банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган.

Банкнинг ички тўлов тизими банк филиаллари ва миждозлари ўртасида электрон тўловларни амалга ошириш, шунингдек банклараро тўлов тизими билан ўзаро ҳаракатда бўлиш учун мўлжалланган.

Чакана тўловлар тизими банк карталари ва бошқа электрон тўлов воситалари қўлланилган ҳолда электрон тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган. Электрон тўлов воситаси унинг мазкур чакана тўловлар тизимига мансублигини идентификациялаш имкониятини берадиган фарқловчи белгиларга (товар белгисига, хизмат кўрсатиш белгиларига) эга бўлиши керак.

Банклар корхона ва ташкилотлар ўртасида доимий равишда бўладиган алоқаларни бошқариш ҳамда амалга ошириш мақсадида уларга ҳисоб варағлари очадилар. Бу ҳисоб варағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чиқарилган йўриқномага асосан олиб борилади. Бу йўриқномада -миждозлар-юримдик ёки жисмоний шахслар, шунингдек уларнинг ҳисобварақлар очиш ва юритиш, ҳисоб-китоб, кредит ҳамда касса операцияларини бажариш ва омонатлар қўйиш борасидаги банк хизматларидан фойдаланадиган қонуний вакиллари сифатида берилган.

Резидентлар - Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлган, шу жумладан вақтинча Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшаётган жисмоний шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида жойлашган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тузилган ва рўйхатдан ўтган юримдик шахслар, шу жумладан, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг имунитетига ва диплома-тик имтиёзларига эга бўлган хориждаги дипломатик савдо ва бошқа расмий ваколатхоналар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларининг чет элдаги хўжалик ски бошқа тижорат фаолияти билан шугулланмайдиган ўзга ваколатхоналари киради.

Норезидентлар — хорижда муқим турар жойи бўлган, шу жумладан, вақтинча Ўзбекистон Республикасида яшаётган жисмоний шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида жойлашган бўлиб, имунитет ва

дипломатик имтиёزلардан фойдаланадиган чет эл дипломатик савдо ҳам да бошқа расмий ваколатхоналари, ҳалқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, шунингдек хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан ўзга ташкилот ва фирмаларнинг ваколатхоналаридир.

Банк ҳисобварағи - банк ҳисобварағи шартномасини тузиш орқали банк миждоз (ҳисобварақ эгаси) ҳисоб-варағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб миждознинг ҳисобварағидаги тегишли маблағларни ўтказиш ва бериш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги фармойишларни бажариш вазифасини ўз зиммасига олиши натижасида банк билан миждоз ўртасидда вужудга келадиган муносабатлардир.

Хўжалик юритувчи субъектнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг биринчи марта миллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварағини очгандан кейин миллий ва чет эл валютасида очадиган барча талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари унинг иккиламчи ҳисобварақлари ҳисобланади.

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш юридик шахснинг асосий ҳисобварағидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ҳамда бир ёки бир неча банкларда миллий ва чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари, шунингдек, жамғарма, муддатли, ссуда ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгалар.

Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларга Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағларни кирим қилиш ва бу маблағлардан фойдаланиш учун бюджет ҳисобварақлари, шунингдек ушбу муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини олиб бориш учун талаб қилиб олингунча, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақлари очилади.

Марказлашган маблағлар ҳисобидан капитал қурилишни молиялаштириш учун ягона буюртмачига ҳар бир қурилиш объекти бўйича алоҳида иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар очилади.

Юридик шахслар ўз асосий ҳисобварағини очгандан кейин улар ҳисобга қўйилган давлат солиқ хизмати органини хабардор қилган ҳолда бошқа банкларда миллий ва чет эл валютасидаги иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси "Банк сири тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк миждозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилади.

Мижозлар томонидан банк ҳисобварақлари очилаётганда, банк ҳисобварағи шартномаси тузилади.

Банк ҳисобварағи шартномаси бўйича юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Банк ҳисобварағи шартномасида банк миждознинг ҳисобварағига келиб тушаётган маблағларни ҳисобвараққа қирим қилиш ва уни қиритиб қўйиш, миждознинг ҳисобварақдаги маблағларни тасарруф этиш борасидаги топшириқларини иждо этиш шартлари, бу борадаги миждоз ҳамда банк ҳуқуқлари ва маждуриятлари, банк хизматлари учун тўланиши лозим бўлган комиссиялар ҳамда бошқа шартлар белгилаб олинади.

Банк ҳисобварағи шартномасида миждозларнинг банк ҳисобварағига келиб тушган маблағларни қиритиб қўйганлик учун (қредит айланмаси учун) воситачилик ҳақи ундириш борасида шарт белгиланиши тақиқланади.

Мижозлар томонидан ҳисобварақлар очиш учун банкка маждур Йўриқномада кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинган қундан сўнг банклар икки иш қуни мобайнида уларга ҳисобварақлар очишлари шарт.

Мижозлар ҳисобварақ очиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар бўладилар.

Хўжалик юритувчи субъектларга ҳисобварақлар очилгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай, ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида маълумот дастурий равишда шакллантирилиб, Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига узатилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақ очиш учун асос бўлган ҳужжатлари, банк ҳисобварағи шартномаси, шунингдек, унга киритилган ўзгартиришлар, миқдорнинг манзили ўзгарганлиги тўғрисидаги банкка берган хати ва номи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, асосий ҳисобварағини очган банкка юборган хабарнинг нусхаси ҳамда бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар миқдорнинг юридик йиғмажилдида сақланади.

Миқдорларнинг ҳисобварақларини рўйхатга олиш китоби компьютерда дастурий тарзда юритилиши мумкин. Бундан ташқари, резидент ва норезидент юридик ва жисмоний шахслар томонидан очиладиган ҳисобварақларнинг рўйхати такроран алоҳида ҳисобварақларда юритилади.

Банк рақамлари турлари.

жамғарма депозит ҳисобварағи - бу миқдорларнинг даврий бадаллари асосида шаклланиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун жамғариладиган ва шу мақсад учун йўналтириладиган ёхуд шартнома бекор қилиниши натижасида қайтариладиган маблағлар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

муддатли депозит ҳисобварағи - шартномада қатъий келишилган муддатга қўйилган миқдорларнинг маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

ссуда ҳисобварағи - белгиланган тартибда миқдорларга берилган кредитларнинг ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи - миқдорларнинг биринчи талаби биланоқ бериладиган ёки ундаги ўтказиб бериладиган маблағларнинг ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ.

Банк ҳисобварақлари қуйидаги турларга бўлинади:

а) талаб қилиб олингунча (асосий ва иккиламчи) депозит ҳисобварақлар;

б) жамғарма депозит ҳисобварақлар;

в) муддатли депозит ҳисобварақлар;

г) депозит ҳисобварақларнинг бошқа турлари (аккредитивлар бўйича муддаиз фоизсиз депозитлар ва шу кабилар);

д) ссуда ҳисобварақлари.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни муцакил равишда танлайдилар ҳамда бир ёки бир неча банкларда миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар ҳамда депозит ҳисобварақларнинг бошқа турларини очиш ҳуқуқига эгадир.

Хўжалик юритувчи субъектнинг биринчи марта миллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб-варағи унинг асосий ҳисобварари ҳисобланади.

Мижозлар қонунчилик асосида бир ёки бир неча банкларда иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб-варақлари очишлари мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари (юридик шахсни ташкил этган ҳолда ва ташкил этмаган ҳолда фаолият кўрсатадиган) томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) имзолар намуналари ва муҳр қўйилган варақча.

Тадбиркорлик субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар, жумладан, бюджет ташкилотлари томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб-варақлар очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча.

Норезидент шахсларга (жисмоний шахслар бундан муқасно) миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар очиш, банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши билан амалга оширилди:

а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча.

Кредит шартномаси қучга қиргандан сўнг, кейинги иш қунидан қечиктирмасдан банк раҳбари ёки раҳбар томонидан вақолат берилган кредит бўлимининг ходими кредитнинг муддати ва фойиз ставкасини қўрсатган ҳолда, миқоз учун ссуда очиш тўғрисида бухгалтерияга фармойиш беради.

Фармойишга асосан кейинги иш қунидан қечиктирмасдан миқозга ссуда ҳисобварақ очилади.

Банкларнинг вақиллик ҳисобварақдаги қўйидагиларга бўлинади:

а) резидент банклардаги вақиллик ҳисобварақлари;

б) нерезидент банклардаги вақиллик ҳисобварақлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурий захира ҳисобвараги;

г) банкларнинг бошқа депозит ҳисобварақлари.

Янги ташқил этилаётган банк таъсис бадалларини йиғиш учун иқалган банкда вақтинчалик талаб қилингунча (маблағ йиғиш учун) депозит ҳисобвараги очиши мумкин.

Тижорат банк миллий валютада вақиллик ҳисобвараги очиш учун қўйидагиларни тақдим қилади:

а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

в) банк операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензиянинг нусхаси;

г) статистика органлари томонидан берилган корхона ва ташкилотнинг ягона давлат рўйхатига киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

д) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча.

Нерезидент банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида вакиллик ҳисобварақларини очиш учун қуйидагилар тақдим қилинади:

а) ихтиёрий шаклда ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) имзолар ва муҳр изи намуналари.

Мижозининг юридик шуларидаги узгаришларни ҳужжатлаштириш тартиби.

Қайта ташкил этилиши натижасида янги ташкил этилган юридик шахсларга ҳисобварақлар ушбу Йўриқномада кўрсатилган тегишли ҳужжатлар тақдим қилиниши асосида очилади.

Номи ўзгарган тақдирда, мижоз банкка рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган, номи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини тақдим қилади.

Юридик шахсга нисбатан санация эълон қилинганда, унинг ҳисобварақлари бўйича юзага келадиган муносабатлар "Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисида"ги низом асосида тартибга солинади.

Юридик шахс тугатилаётганда, унинг барча банк ҳисобварақлари тугатиш комиссиясининг тасарруфига ўтади. Бундай ҳолда, банкка тугатиш комиссиясининг амал қилиш муддати кўрсатилган корхонани тугатиш тўғрисидаги қарор ҳамда тугатиш комиссияси раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари намуналари қўйилган варақча нотариал тасдиқланган ҳолда тақдим қилинади.

Рақам бўйича операцияларни тўхтатиш

Асосий ҳисобварақ бўйича операциялар фақат ҳисобварақ эгасининг фармойишига кўра ёки ҳисобварақдаги пул маблағлари суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд суд ажримига кўра хатланганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолда, пул маблағлари фақат қарор ёки ажримда кўрсатилган суммага хатланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш аниқланган ҳоллар бундан мустасно.

Юқоридаги тартибда хатланган ёки тўхтатилган ҳисобварақларни (ҳам асосий, ҳам иккиламчи) бошқа банкларга ўтказиш ҳамда ушбу ҳисобварақлар эгаларининг бошқа ҳисобварақларни очишига йўл қўйилмайди.

Рақамларни бошқа банкларга ўтказиш. Рақамни ёпиш ва қайта ҳужжатлаштириш тартиби

Банк ҳисобварағи шартномаси ҳисобварақ эгасининг аризасига ёки банкнинг талабига кўра бекор қилинади.

Банкнинг талабига кўра банк ҳисобварағи шартномаси суд орқали қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

1) мижознинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса, агар бундай сумма банк томонидан бу ҳақда мижозни огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

2) банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар амалга оширилмаган бўлса.

Ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи мижознинг тегишли ёзма аризаси олингандан кейин кечи билан етти кун ичида мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши миқознинг ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари - юридик шахслар ихтиёрий тугатилаётганда, хабардор қилиш муддатидан бошлаб:

а) уларнинг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисобварақлари, жамғариладиган депозит ҳисобварақлари ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар - тугатувчининг уларни ёпиш ҳақидаги аризаси асосида мазкур ҳисобварақларни ёпадилар ва унинг тўлов топшириқномаси асосида улардаги мавжуд маблағлар қолдиқларини тугатилаётган юридик шахсларнинг асосий ҳисобварағига ўтказадилар;

б) уларнинг хорижий валютадаги иккиламчи депозит ҳисобварақлари, жамғариладиган депозит ҳисобварақлари ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар - тугатувчининг уларни ёпиш ҳақидаги аризаси асосида мазкур ҳисобварақларни ёпадилар ва унинг тўлов топшириқномаси асосида мавжуд маблағлар қолдиқларини тугатилаётган юридик шахсларнинг унинг миллий валютадаги асосий ҳисобварағи очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ёки бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига, агар уларнинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, ўтказадилар;

в) юридик шахсларнинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк тугатиш жараёни тугатанидан сўнг тугатувчининг аризасига асосан бир иш куни давомида асосий ҳисобварағини ёпади ва тугатувчига асосий ҳисобварақнинг ёпилиши ҳақида маълумотнома беради.

Корхоналар олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари - уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳолларда (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно), банклар уч кунлик муддат ичида бундай корхоналар ҳақида улар ҳисобга

қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тегишли чоралар қўриш учун ахборот беришлари шарт.

Суднинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги тегишли қарори тақдим этилганда, банклар кейинги иш кунидан кечиктирмай хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларини ёпадилар. Бунда, корхоналарнинг ёпиладиган ҳисобварақларидаги маблағлари қолдиқлари банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга ўтказилади. Корхоналарнинг банкка тўлаш учун тақдим этилган кредиторлик қарзи эса алоҳида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилади.

Корхоналарнинг банк ҳисобварақлари ёпилгандан сўнг уларнинг номига келиб тушадиган маблағлар фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга ўтказилади. Фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга тўпланган маблағлар банклар томонидан биринчи навбатда корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзларини тўлашга, қолган суммалар эса уларнинг кредиторлик қарзларини календарь навбатида тўлашга йўналтирилади.

Корхоналарнинг ёпиладиган ҳисобварақлардаги маблағлари банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқисиз 29842 - "Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари" ҳисобварағига кирим қилинади ва банкка тўлов учун тақдим этилган корхонанинг кредиторлик қарздорлиги алоҳида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилади.

Корхоналарни тугатиш бўйича махсус комиссия томонидан корхона кейинги фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинган ёки белгиланган тартибда тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб ушбу корхонанинг ҳисобварақлари тегишлича корхонанинг ўз тасарруфига ёки тугатиш комиссиясининг тасарруфига ўтади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағи ёпилаётганда, олдиндан у билан боғлиқ бўлган барча ҳисобварақлар ёпилади. Бир вақтнинг ўзида ҳисобварақни ёпиш мўлжалланаётгани тўғрисида солиқ ва божхона

органларига хабар берилади, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет олдидаги қарзлари тўғрисида маълумот сўралади. Солиқ ва божхона органлари томонидан банкка хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет олдида мажбуриятлари йўқлиги тўғрисидаги хабарнома (маълумотнома) тақдим қилингандан кейин мижознинг чек дафтарчаси фойдаланилмаган чеклари ва фойдаланилган чекларнинг милклари билан қайтарилади. Шундан кейин, мижознинг фойдаланилмаган чеклар рақамлари кўрсатилган аризасига асосан ҳисобварақни ёпиш кунда қолдиқ тасдиқланган ҳолда ҳисобварақ ёпилади.

Ёпилаётган, шунингдек, бошқа банкларга ўтказилаётган ҳисобварақлар бўйича фойдаланилмаган чекларни мижозлардан фақат бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бош бухгалтер ва унинг ўринбосари топширилган ҳар бир чекнинг имзо қўйиладиган қисмини қирқиб олиш йўли билан уларни дарҳол сўндириши зарур. Шундан кейингина чеклар унга хизмат кўрсатувчи масъул ижрочига берилади. ижрочи ҳисобварақни ёпиш учун тақдим қилинган тўлов топшириқномасини дастурий йўл билан киритиши ҳамда уни текшириш ва имзолаш учун бош бухгалтерга ёки унинг ўринбосарига тақдим этиши шарт.

Ҳисобварақлар ёпилаётганда ва улардаги тегишли маблағлар қолдиғи "Бошқа дебиторлик ҳисобварақлар"ига ким қилинганда, банк бош бухгалтери ёки унинг ўринбосари ёпилаётган ҳисобварақдан мижозга охириги марта кўчирма берилган кундан бошлаб ушбу ҳисобвараққа киритилган барча ёзувларни ҳужжатлар бўйича синчиклаб текшириши, ссуда ва банк хизматлари учун ҳисобланган ҳамда тўланган фоизларни инобатга олган ҳолда чиқарилган охириги қолдиқнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши ва ёпилаётган ҳисобвараққа тегишли ёзувларни киритиб, имзо чекиши шарт.

Ҳисобварақ ёпилгандан сўнг банк мижозга (мижоз тугатилганда - таъсисчиларга) барча тақдим қилинган талаблардан озод бўлган пул маблағларнинг қолдиғи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.

Бошқа депозит ҳисобварақларнинг барчаси мижознинг аризасига асосан исталган вақтда ёпилади. Бунда, ушбу мижозга очилган махсус ҳисобварақлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёпилади.

Ссуда ҳисобварақлари банк раҳбари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахснинг фармойишига асосан берилган кредитлар ва унга ҳисобланган фоизлар тўлови тўлиқ амалга оширилгандан кейин ёки ссуда ҳисобварағининг кредит қолдиғи кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилгандан кейин ёпилади.

Мижоз мажбурий тугатилганда, мижознинг асосий ҳисобварағи тугатиш комиссияси номига расмийлаштирилади ва унинг тасарруфига ўтказилади. Асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банкка мижозни тугатиш тўғрисида қарорни, шунингдек, тугатиш муддати кўрсатилган ва тугатиш комиссиясини тузган ташкилот ёки шахс томонидан тасдиқланган раҳбар ҳамда бош бухгалтернинг имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча тақдим этилади. Мижознинг ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи бошқа банкларга тугатиш муддати кўрсатилган тугатиш тўғрисидаги қарор нусхаси тақдим этилади. Шундан сўнг барча иккиламчи ҳисобварақлар ёпилади ва ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар мажбурий равишда тугатиш комиссиясига расмийлаштирилган асосий ҳисобвараққа ўтказилади.

Тугатиш комиссияси ўз ишини якунланганидан кейин ўз ҳисобварағини ёпиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ҳўжалик юритувчи субъектлар бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг хулосаси;

б) тугатиш ишлари тугалланганлиги тўғрисида махсус комиссия томонидан расмийлаштирилган баённома;

в) фойдаланилмаган чеклар ва фойдаланилган чекларнинг милклари билан чек дафтарчаси.

Тугатиш комиссиясининг ҳисобварағида тақдим қилинган талаблардан озод бўлган пул маблағларининг кредит қолдиғи мавжуд бўлса, ушбу қолдиқ

мижозларнинг таъсисчиларига ёки тугатиш комиссиясининг ва тугатилган мижознинг таъсисчилари мажлисининг қарорига асосан бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Ҳисобварақ ёпилганлиги учун ҳақ олинмайди.

Тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлари банкларни тугатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида ёпилади.

Тижорат банклари фаолиятида иқтисодий субъектларнинг пулли муносабатларда пул шаклларида фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулларига кўра пул айланиши нақд пулли ва нақд пулсиз айланишга бўлинади.

Чакана савдо аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари нақд пулли айланишларга коммунал. Хизматлар учун тўловлар, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш, суғурта ташкилотларига бадаллар тўлаш уй-жой кўрилиши ва бошқа мақсадлар учун аҳоли томонидан олинган кредитларни қайтариш ва бошқа тўловлар киради. Нақд пул айланиши умумий пул оборотининг тахминан 10 фоизини ташкил этади.

Халқ ҳўжалигида бўладиган пул айланишининг 80-90 фоизи нақд пул ишлатмасдан, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, корхона ва ташкилотларнинг товар айрибошлаш, хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини ҳисобварақадан иккинчи ҳисобварақага ўтказиш орқали амалга оширилиш тушунилади. Нақд пулсиз пул айланиши ялпи ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган муносабатларини ўзида акс эттиришга кўра икки қисмга бўлинади:

1. Товар операциялари бўйича пул айланиши.
2. Молиявий мажбуриятлар бўйича пул айланиши.

Биринчи гуруҳга товарларни сотиш, хизматлар кўрсатиш ва капитал кўрил иш жараёнидаги ҳисоб-китобларни акс эттирувчи пул айланиши

киради иккинчи, яъни молиявий мажбурият гуруҳига эса бюджетга тўловлар, яъни фойдадан тўланадиган солиқ, кўшилган қиймат солиги ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда бюджетдан ташқари фондлар, банк ссудаларини қайтарилиши, кредит учун фоизларнинг тўланиши, суғурта компаниялари билан ҳисоб-китоблар киради.

Нақд пулсиз пул айланиши пулли муносабатлар иштирокчиларининг жойлашувига қараб бир шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро пул айланишига бўлинади. Бир шаҳар ичидаги пул айланиши бир ҳисоб марказига қарахли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар мажмуини билдиради. Шаҳарлараро пул айланиши эса турли ҳисоб марказларига қарахли банклар ўртасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар йигиндисидир. Лекин республикада банк тизимининг ривожланиши, «Электрон тўловлар» тизимига ўтиш натижасида ҳисоб-китобларда иштирок этувчи субъектларнинг жойлашувига қараб иккига бўлиш мақсадга мувофиқ бўлмай қолди. Чунки ҳисоб-китобларда қатнашувчи субъектлар қайси ҳудудда жойлашганидан қатъий назар, тўловлар бир неча соатда, ҳаттоки бир неча дақиқада ўтказилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этишда бир қатор тамойилларга асосланилади. Бу тамойиллар қуйидагилар:

- Хар бир хўжалик субъекти ўз пул банкларда очилган депозит ҳисобварақларда сақлашлари лозим. Корхона ва ташкилотлар ўзаро ҳисоб-китобларни бевосита банкдаги ҳисобварақлар орқали амалга шарт. қайси банкда ҳисобварақ очишни мшжозларнинг ўзлари танлайдилар.
- Ҳисоб-китоблар тўловчининг розилиги билан унинг топширигига асосан депозит ҳисобварақдаги маблағи эвазига амалга оширади. Корхона банк кредитидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса, тўловлар банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.
- Тўловлар белгиланган тўловлар кетма-кетлиги асосида бажарилади.

- Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб-китоб шакллариини муцақил танлагилари ва уни шартнома орқали муцахкамлаб кўришлари мумкиин.
- Товар етказиб берувчи корхона ҳисобварагида пул маблағлари мазкур маблағларнинг мол сотиб олувчи корхона ҳисобварагидаи ўчирилгандан сўнг ўтказиб берилади.
- Тўловни кафолатлаш мақсадпда етказиб берилиши лозим бўлган товар ёки кўрсатилиши лозим бўлган хизмат қийматининг 15%и олдиндаи тўланганидаи сўнггина товарлар жўнатилади ёки хизматлар кўрсатилади.

1.2. Тижорат банклари ҳисоб-китоб операциялари иқтисодий-ҳуқуқий асослари ва уларнинг амалиётда қўлланилиши

Ҳисоб-китобларни амалга оширишда юқорида санаб ўтилган тамойилларга амал килинмас экан, бу ҳолат ҳисоб-китоб муносабатларида қатнашувчи томонларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклараро ҳисоб-китоблар тижорат банкларининг Марказий банк Ҳисоб-китоблар марказиларида очилган вакиллик ҳисобвараклари орқали электрон тўловлар тизими бўйича миллий валютада амалга оширилади. Банкларда ҳисоб-китоблар бўйича электрон ҳужжат айланмаси “Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида”ги 19.02.2001 йилдаги 1010 – сон билан руйхатга олинган Низомга мувофиқ , ташкил килинади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида» 2013 йил 26 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 9/1-сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида олиб борилади.

«Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низом Фуқаролик кодэкси, «Марказий банк

тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида»ги қонунлари ва Марказий банкнинг Ўзбекистон ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб китобларни тартибга солувчи бошқа меёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти товар-пул муносабатлари ривожланиши шароитларида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қоидалари хўжалик органлари томонидан ҳисоб-китоб шакллари эркин танлаш принципларидан келиб чиқади ва улар шартномаларда муцаҳкамланади. Хўжалик органларининг шартномавий муносабатларига банк аралашмайди.

Низомга асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қонунда кўзда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган қуйидаги шакллар орқали амалга оширадилар:

- Тўлов топшириқномалари;
- Тўлов талабномалари;
- Аккредитивлар;
- Инкассо топшириқлари;
- Тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари;
- Электрон ҳисоб тизими (банк пластик карталари).

Тўловчи ва маблағ олувчи орасидаги ҳисоб-китоблар шартнома асосида белгиланади. Ҳисоб-китоб шакллари дейилганда, ҳуқуқий мъёрларда кўзда тутилган, ҳисоб-китоб ҳужжатининг тури, ҳужжатлар айланиш тартиби, маблағларни мол сотувчи корхона ҳисобварагига ўтказиш ва ёзиш усули билан бир-биридан фарқ қилувчи ҳисоб-китоб турлари тушунилади. Ҳисоб-китобларнинг алоҳида шаклларининг мазмуни, уларни бўйича ҳужжатлар айланишини ва операциялар ҳисоби ҳамда расмийлаштирилишини алоҳида кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда бугунги кунда қуйидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланилади¹⁰:

- мемориал ордер;
- тўлов топшириқномаси;
- тўлов талабномаси;
- инкассо топшириқномаси;
- аккредитивга ариза;
- тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки.

Банклар **мемориал ордерлардан** фуқароларнинг, олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, ёзма топшириқномалари бўйича нақд пулсиз пул маблағларини ўтказишни амалга оширишда фойдаланишлари мумкин. Тижорат банклари ўз операцион харажатларини нақд пулсиз тартибда амалга ошираётганда мемориал ордер тузилади.

Банк иш куни якунланиб, баланс ҳисоботи тузилиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жўнатилганидан сўнг, хато ёзувлар аниқланган ҳолларда, ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақларга эртаси банк иш куни тескари бухгалтерия ёзувлари киритиш (сторно бериш) йўли билан, тузатиш мемориал ордерлари асосида тўғриланиши лозим. Бундай ҳолларда ҳисобварақлардан суммалар мижозларнинг розилигисиз ҳисобдан чиқарилади. Бу ҳақда банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномада кўрсатиб ўтилган бўлиши шарт.

Тўлов топшириқномаси — мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварағидан олувчининг ҳисобварағига маълум бир суммани ўтказиш тўғрисидаги топшириғини англатади.

Тўлов талабномаси — ўзида маблағ олувчини тўловчи томонидан банк орқали маълум бир суммани тўлаш тўғрисидаги талаби акс эттирилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатидир.

¹⁰ <http://www.cbu.uz>

Инкассо топшириқномаси маблағ олувчининг банкка тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги топшириғини англатади.

Ҳисоб-китобларнинг **аккредитив** шаклида, мижознинг (тўловчининг) топшириғига ва унинг кўрсатмасига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент), ўз зиммасига унинг контрагенти-мблағ олувчи фойдасига тўловни амалга ошириш мажбуриятини ёки маблағ олувчи томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатларни ва бошқа шартларни бажариш шарти билан ушбу тўловларни амалга ошириш бўйича ваколатларни бошқа банкка тақдим этишни ўз зиммасига олади.

Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки — мижознинг хизмат кўрсатувчи банкка чек берувчининг ҳисобварағидан чек ушловчининг ҳисобварағига маълум суммадаги маблағларни ўтказиш бўйича берган топшириғидир.

Юқоридаги ҳужжатларга қонунчилик бўйича тўлиқ маълумот бериб ўтсак. Тўлов топшириқномаси бу тўловчи корхонанинг унинг банкдаги депозит ҳисобварағидан пул маблағларининг маълум бир суммаси бошқа мижознинг ҳисобварағига ўтказиш ҳақида ўзига хизмат кўрсатувчи банкка берган ёзма топшириғидир. Тўлов топшириқномалари орқали қуйидаги тўловлар амалга оширилади:

- товарлар тўловлар учун ҳисоб-китоблар;
- нотовар операциялар бўйича ҳисоб-китоблар;
- Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса, банк ссудалари ва унга қўшилган фоизларни қоплаш учун маблағ ўтказиш;
- Ҳукумат қарорлари ва банк қоидаларида белгиланган ҳоллардаги банк тўловлари.

Илгари тўлов топшириқномалари расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 кун ичида банкка топширилиши мумкин бўлиб, шу давр ичида ҳақиқий бўлиб ҳисобланар эди. «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги янги Низомга асосан тўлов топшириқномаси

расмийлаштирилган кун банкка тақдим этилиши лозим яъни топшириқноманинг санаси уни банкка тақдим этилган кун билан топшириқномаси ижро учун қабул қилинмайди. Лекин бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларни бўйича тўловлар бундан мустасно.

Банклар “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) мувофиқ, ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ёки уларни амалга оширишни рад этишга ҳақли.

Тўлов топшириқномаларининг банкка топширадиган нусхалар сони тўловчи ва маблағ олувчиларнинг қайси банкда жойлашганлигига боғлиқ. Тўловчи ва маблағ олувчи корхоналар бир банк бўлими хизматидан фойдалансалар, топшириқнома нусхаларининг ҳар бири қуйидагича ишлатилади:

- биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк маъсул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳрининг изи туширилган ва қабул қилиш сана си кўрсатилган ҳолда кўплик ҳужжатлар йигмасига тиқилади;

- иккинчи нусхаси тўловни олувчининг ҳисобварағига илова сифатида маъсул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ҳолда тўловни олувчи корхона вакилига берилади; учинчи нусха операция бажарилгандан сўнг, банк бўлимининг тўртбурчак штамп изи туширилган, маъсул ижрочи томонидан имзо, тўловни амалга ошириш ва топшириқномани қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда, тўловчи корхона вакилига уларнинг депозит ҳисобварағидан кучирма билан биргаликда берилади. Лекин ҳар доим ҳам бир бири билан муносабатда бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар бир банк хизматидан фойдаланмайдилар, чунки, ҳисоб-китоблар бир ҳудуд ташқарисига чиқиши мумкин. Агар тўловчи ва маблағ олувчи корхоналарга

бир худуд ичидаги ёки бошқа худудда жойлашган турли банк бўлимлари томонидан хизмат кўрсатилса, тўлов топшириқномалари банкка икки нусхада тақдим этилади:

- биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тегилади.

- иккинчи нусхаси банк бўлимининг муҳр изи туширилган, банк масъул" ижрочисининг имзоси, тўлов амалга оширилган сана ва топшириқномани қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловчи корхона вакилига берилади.

Тўлов топширигида қуйидаги реквизитлар кўрсатилиши лозим:

1. тўлов топширигининг номи ва номери.
2. тўлов топшириги тулдирилган сана, яъни кун, ой ва йил.
3. тўловчининг номи, тўловчи банкининг номи ва коди.
4. тўловчининг ҳисобварақ номери ва идентификацион коди.
5. маблағларини олувчи корхона номи, унга хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди.
6. маблағ олувчининг ҳисобварақ номери.
7. тўловларнинг суммаси рақам ва ёзувларда кўрсатилади.
8. тўловнинг мақсади.

Тўлов топширигининг барча реквизитлари тулдирилгандан сўнг, топшириқноманинг алоҳида ажратилган пацки қисмига тўловчи корхона раҳбари ва бош, бухгалтерининг имзоси ҳамда муҳр изи қўйилади. Ушбу муҳр ва имзолар тўлов топширигининг фақат биринчи - асл нусхасига қўйилади.

Корхоналардан ҳужжатлар қабул қилиш, шартномада бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса, бутун кун давомида банкнинг мижоз билан ишлаш вақтидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бунда операцион кун давомида банк томонидан корхоналардан қабул қилинган ҳужжатлар шу

куннинг ўзидаёқ ижро қилинади. Масъул ижрочи мижозлардан тўлов топширигини олгандан сўнг тўлов топширигидаги банк реквизитларнинг тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилганлигини текширади. Бундан ташқари, тўловчи корхонанинг депозит бўйича очилган ҳисобварагида ҳужжатда кўрсатилган суммами тўлашга етарли пул маблағлари борлигини аниқлайди. Агар тўлов топшириги ва тўғри расмийлаштирилиб, уни тўлашга етарли пул маблағлари бўлса, масъул ижрочи топшириқномадаги барча маълумотларни дастурий йўл билан компьютер орқали банкнинг электрон тўловларни амалга оширувчи ҳисоблаш марказига ўтказди. Эртаси кун эрталабдан кечикмаган муддатда банк баланси чиқарилгандан кейин ҳужжатнинг биринчи нусхаси банкнинг кундалик йигма жилдига тиқилади. Белгиланган тартибда аввал жорий архивда, бир йил ўтгандан сўнг умумий банк архивига топширилади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси эса мижознинг ҳисобварагидан кучирма билан биргаликда операциялар ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида мижозга қайтариб берилади.

Шундай қилиб, тижорат банкининг ҳисоблаш марказидан дастурий йўл орқали модем усули билан электрон тўлов ўтказилади, яъни «Электрон почта» деб номланган тизим орқали электрон тўлов топшириги Марказий банк қошидаги Ҳисоб Марказига ўтказилади. Марказий банк қошида очилган Ҳисоб Маркази тўловчи корхонага хизмат қилувчи тижорат банкдан олинган маълумотлар асосида электрон тўлов топширигини модем орқали маблағ олувчи корхонага хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ўтказди.

Электрон тўловлар тизими орқали олинган электрон тўлов топшириқномалари маблағларни олувчи банкда икки нусхада қогозга чиқарилади. Топшириқноманинг биринчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳр изи қўйилиб, кунлик ҳужжатлар йигма жилдига тиқилади. Иккинчи нусхаси эса банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳри изи қуйилган ҳолда мижоз ҳисобварагига илова сифатида мижозга берилади.

Таъминотчилар томонидан махсулот етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш транспорт хизмати билан биргаликда бир текисда амалга оширилса, ўзаро ҳисоб-китоблар доимий тўловлар тартибида ўтказилиши мумкин. Бундай ҳисоб-китоблар ҳар бири алоҳида савдо битими яъни махсулот ортиш, жўнатиш ёки хизмат кўрсатиш бўйича эмас, балки, томонлар олдиндан келишиб олган муддатлар ва хажмларда тўлов топшириқномаларидан фойдаланган ҳолда маблағларни даврий равишда кўчириш йўли билан бажарилади. Томонлар даврий равишда, лекин ҳар ойда камида бир марта махсулотнинг амалда жўнатилиши ёки хизматлар кўрсатилиши асосида ўтган давр учун киёслаш бажариш ва шартномада белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилишлари лозим. Аниқланган фариклар алоҳида топшириқнома билан ўтказилиши ёки навбатдаги тўловда ҳисобга олиниши мумкин. Ўзаро қарзлар энг кам миқдорда бўлиши учун ҳисоб-китобларга ойнинг охирида аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда республикада банклар орқали ўтказилаётган барча тўловларнинг 65-75 фоизи тўлов топшириқномалари ёрдамида амалга оширилмоқда, бу унинг авзаллиги билан боғлиқдир.

Бу афзалликлар қуйидагилардан иборатдир:

- биринчидан, ҳужжатлар айланишининг оддийлиги ва тезлиги, яъни ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг техник жihatдан қўлайлиги. Бу эса ўз навбатида ҳўжалик юритувчи субъектлар ва банк ходимларининг меҳнат сарфини камайтиради;

- иккинчидан, пул маблағлари ҳаракатининг тезлиги, яъни тўлов талабномасига нисбатан тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатларнинг айланиши ҳаракати қисқалиги, сўзсиз ҳўжалик оборот маблағларининг айланиш тезлигини оширади,

- учинчидан, товар сотиб олувчининг қабул қилинган товарлар ёки хизматлар сифатипи олдиндан аниқлаб олиниши. Ҳисоб-китобларнинг бу шаклида тўлов талабномаси орқали ҳисоб-китобларда бўлгани каби банкка раддия аризаси топширмайди, чунки тўловчининг ўзи тўловни тўлашга рози

бўлса, топшириқномани банкка топширади, тўртинчидан, тўлов топшириқномасининг барча товарсиз операцияларида қўлланиши, бу эса ушбу шакл бўйича ҳисоб-китобларнинг аҳамиятини янада яққол акс эттиради.

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоблар афзалликлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам эга. Камчиликлар шундан иборатки, мол жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона учун тўловнинг ўз вақтида ўтказилишини тўла кафолатланмаган. Чунки тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварагидаги маблағлар миқдорига боғлиқ. Тўловнинг тўлиқ ўтказилишига етарли пул маблағларининг бўлмаслиги пул айланишини секинлаштиради ва махсулот жўнатувчи хизмат кўрсатувчи корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлаштирилади.

Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатар механизмлар ишлаб чиқилади, қарор ва фармойишлар қабул қилинган. Даълаб 1995 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳалқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказишни таъминлаш бўйича жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 154-сонли фармони чиқарилди. Фармонга мувофиқ, мулк шаклидан қатъий назар ҳар бир хўжалик субъекти агар мол олувчи корхона бўлса, у албатта ўша мол қийматининг фоизини камида 15% сумаасини олдиндан тўлаши талаб этилади. Табиийки, бу тўлов топшириқномаси асоси амалга оширилади.

Олдиндан тўлов ўтказиш илгари ёкилги - мойлаш махсулотлари ва бошқа баъзи ҳолларда Давлат банкининг рухсати билан амалга оширилар эди. Лекин ҳозирги пайтда хўжаликлар ўзлари ўзаро хўжалик шартномалари орқали 100% ли ёки ундан кам миқдорда бўлган олдиндан тўловлар ўтказишни келишиб оладилар. Юқорида кўрсатилган механизм эса томонлар ўртасида шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажарилиши устидан назорат ўрнатишга ёрдам беради. 15% дан кам бўлмаган авансланган

тўловларнинг ўтказилишининг мажбурийлиги, банк бундай тўловлар устидан доимо назорат олиб бориш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир «Ҳисоб-китоблар тизими ҳамда тўлов низомини муцаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги 1996 йил 24 январдаги фармони чиқарилди. Фармонда корхона ва ташкилотлар томонидан банкка топшириладиган тўлов топшириқномасида қатъий равишда шартнома номери, тўлов тартиби, 15% дан кам бўлмаган аванс тўлови миқдори кўрсатилиши шарт қилиб белгиланади. Демак, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қайси шаклидан фойдаланишдан қатъий назар, хўжаликлар аввало тўлов суммасининг 15% дан кам бўлмаган миқдорини тўлов олувчи корхона ҳисобварағига айлани тўлов топшириғи ёрдамида ўтказадилар. Бу эса тўлов топшириғининг иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олаётганлигидан далолат беради. Умуман, халқ хўжалиғида хусусий секторнинг ўрни кенгайиб борган сари кичик ва бошқа хусусий корхоналар сонининг ошиши тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар ҳажмининг кенгайишига йўл очиб беради.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида бири тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар бўлиб, улар 1992 йил 1 августигача республика нақд пулсиз айланишининг қарийб 60-65% ини ташкил этар эди. Марказий банкнинг 1992 йил 6 июндаги 75-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон халқ хўжалиғида ҳисоб-китобларни тартибга солиш, уларнинг ҳолатини яхшилаш, ҳамда бозор талабларига мослаштириш мақсадида, 1992 йил июлидан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотлар учун тўлов талабномаларининг ўрнига янги тартибдаги тўлов-талабнома топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоблар амалиётга киритилди. Шу билан биргаликда, 1992 йил 1 августгача тўлов талабномаларини оборотда бўлишига рухсат этилди. Лекин корхона ва ташкилотлар тўлов талабномаси орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китобларга бир неча ўн йиллаб, ўрганиб қолганликлари сабабли, марказий банкка тўлов талабномасини амалиётга қайтадан тадбиқ этиш бўйича кўплаб талаб ва таклифларни келиб

тушаётганлигини ҳисобга олган ҳолда бу масала қайта кўриб чиқилиб, 1996 йил 29 февралдаги Марказий бинкининг Хатига асосан қайтадан муомалага киритилди.

Тўлов талабномаси - бу махсулот етказиб берувчи ва маблағ олувчиларнинг белгиланган суммани тўловчи банк орқали тўлаш тўғрисидаги талабномани ўз - ичига олган ҳисоб-китоб ҳужжатдир. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар Акцепт» шаклидаги ҳисоб-китоблар ҳам деб юритилади.

«Акцепт» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, розилик маъносини англатади, яъни бу тўловчининг тўловни амалга ошириш учун банкка берган розилигидир. Акцепт шакли асосий инкассавий ҳисоб-китоб шакли бўлиб ҳисобланади. «Инкассо» италянча сўздан олинган бўлиб, банк ўз мижози тақдим этган ҳужжатга асосан етказиб берилган махсулот учун унда кўрсатилган суммани тўловчидан унинг банки орқали акцепт ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Тўловчи корхонанинг розилиги ҳам, норозилиги ҳам ёзма равишда билдирилиши ижобий акцепт ҳисобланади. Бундай ҳолда тўлов тўловчидан ёзма равишдаги розилик хати келгандагина амалга оширилади. Агар 15 кун ичида тўловчидан розилик хати келмаса тўлов талабномаси тўловни олувчига тўланмасдан қайтарилади. Салбий акцепт эса сукут сақлаш орқали билдирилади, тўловга норозилик ёзма равишда билдирилади. Агар тўловга қарши норозилик хати ёзма равишда келиб тушмаса банк томонидан тўлов амалга оширилади.

Салбий акцептнинг ўзи тўловни амалга ошириш муддатига кўра олдиндан акцепт ва сўнгги акцептга бўлинади. Талабномани олдиндан акцептлаш усулида ҳисоб-китоблар ўтказилганда талабноманинг пули акцептлаш муддати тугагандан сўнг, яъни эртаси куни тўланади. Тўловчи корхона ўзига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига талабнома келиб тушгандан кейин 3 кун ичида тўлашдан бош тортганини маълум қилиши ҳуқуқига эга. Товар етказиб берувчи товар-моддий бойликлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома, шунингдек, тегишли қонун

хужжатлари шартларини бузган холларда тўловчи акцептлашдан бош тортиши мумкин. Бундай холларда тўловчи томонидан банкка ёзма равишда раддия аризаси топширилиб, унда тўловдан бош тортиш сабаблари кўрсатилади.

Акцептлашнинг сўнгги акцепт турида тўлов талабномаси банкка келиб тушган кунда. тўланади, лекин тўлов ўтказилгандан кейинги 3 кун ичида тўловдан бош тортиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Белгиланган. муддат ўтгандан сўнг тўловчи томонидан раддия аризаси келиб тушмаса, тўлов тўланганлигича қолади.

Ҳисоб-китобларнинг акцепт, яъни тўлов талабномалари орқали ўтказиладиган шаклида ишлатиладиган асосий хужжат бу - тўлов талабномасидир. Тўлов талабномалари қуйидаги холларда ишлатилиши мумкин:

- а) юклаб жўнатилган товарлар учун;
- б) бажарилган ишлар учун;
- с) кўрсатилган хизматлар учун;
- д) амалдаги қонунчиликда, меъёрий хужжатлар ёки шартномалар кўзда тутилган бошқа тўловлар учун.

Тўлов талабномасида махсулот етказиб берувчи томонидан талабнома номери, уни тўлдирилган сана, шу корхона номи, унинг ҳисобварағ номери, хизмат кўрсатувчи банк номи, банкнинг коди, тўловчи корхонанинг номи, унинг банкдаги ҳисобварағ номери, тўловчига хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, тўлов суммаси ва тўловмақсади кўрсатилади. Хужжатларда кўрсатилиши лозим бўлган умумий реквизитлардан ташқари тўлов талабномасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- а) шартнома санаси ва номери:
- б) махсулотларни юклаб жўнатиш санаси ва товар-транспорт ёқ қабул қилиш - топшириш хужжатлари ва транспорт тури, товарлар почта ва телекоммуникация агентлиги орқали жўнатилганда эса - почта квитанцияларининг номери.

Агар махсулот уни сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилса, талабноманинг алоҳида ажратилган жойда юк уни сотиб олувчининг ўз транспорти билан олиб чикиб кетилгани ҳамда ишончноманинг номери кўрсатилади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, махсулот. контрактция шартномалари асосида реализация қилинади. Контракция шартномалари бўйича махсулот етказиб беришда тўлов талабномасининг юқори қисмида яъни талабнома деб ёзилган сўз ёнига «Контракция шартномаси» деб кўрсатилиши лозим. Тўлов талабномасининг пацки, алоҳида ажратилган қисмида махсулот жўнатувчи корхона рахбари ва бош бухгалтернинг имзолари ва корхонанинг муҳр изи қуйилади.

Тўлов талабномаси махсулот юклаб жўнатилгандан кейин шартномада белгиланган муддатдан кечиктирилмасдан банкка инкассога топширилади. Махсулот етказиб берувчи битта операция бўйича талабномаларни инкассо учун қайта тақдим қилиш ҳуқуқига эга эмас. Умуман, тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларни расмийлаштириши ва ҳисобга олиш ишларини 3 босқичга бўлиб кўриб чиқамиз:

1- босқич. Махсулот етказиб берувчи банкида тўлов талабномасини инкассога қабул қилиниши.

2- босқич. Махсулот олувчи банкида тўлов талабномаларини тўлаш бўйича операциялари.

3- босқич. Махсулот етказиб берувчи банкида тўловни қабул қилиш бўйича операциялар.

Тўлов талабномалари 2 ёки 3 нусхада тўлдирилади. Агар махсулот етказиб берувчи ва тўловчи томонларга битта банк бўлими хизмат кўрсаца талабнома 3 нусхада тақдим этилади. Бу ҳолда тўлов талабномаларнинг ҳар бир нусхалари қуйидагича ишлатилади:

-биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлови амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йигмасига тикилади

-иккинчи нусхаси тўловни олувчининг ҳисобварагига илова сифатада масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи қуйилган ва қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда берилади;

-учинчи нусха қабул қилиш санаси, тўловни амалга ошириш санаси, масъул ижрочининг имзоси ва банк тўртбурчак муҳр изи қўйилган ҳолда тўловчига унинг ҳисобварагидан кўчирма билан биргаликда берилади.

Агар тўловчи ва маҳсулот етказиб берувчи бир ҳудуд ичидаги ёки турли ҳудудларда жойлашган турли банк бўлимлари хизматидан фойдалансалар, бу ҳолда тўлов талабномалари 2 нусхада банкка тақдим этилади. Уларнинг ҳар иккала нусхалари почта алоқаси ёки кўрерлар орқали тўловчи банкка жўнатилади.

Тўлов талабномалари томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан акцептлаш тартибида ёки акцептламасдан тўланиши мумкин. Банк томонидан талабномаларни акцептлаш учун 3 кун муҳлат берилади. Лекин корхонанинг илтимосига кўра банк бу муддатни 10 кунгача чўзиши мумкин. Акцептлаш тартибида тўланадиган талабномаларнинг биринчи нусхаси тўлов учун акцептлашни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари картотекасига жойлаштирилади. Бу картотека банкда 1-картотека деб юритилади. Талабноманинг иккинчи нусхаси товар-транспорт ҳужжатлари билан бирга кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан ҳужжатни акцептлаш учун қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда ва тўлов тўғрисида маълумот сифатида тўловчига берилади. Агар банкда 1-картотеканинг ҳисобини юритиш дастурий йўл билан олиб борилмаса, бундай талабномалар қабул қилинган куни «Тўлов учун акцептланиши кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»ни ҳисобга олиб бориш дафтарида икки нусхада қуйидаги реквизитларни кўрсатган ҳолда банк томонидан кайд этилади.

Тўловчи белгиланган муддатда товар моддий қийматликларни жўнатишда, хизматлар кўрсатишда амалдаги қонуний талабларига ҳамда шартнома шартларига амал қилинмаган ҳолларда талабномани қисман ёки

тўлиқ тўлашдан бош тортиши мумкин. Бунинг учун банкка ёзма равишда раддия аризаси топширилиши лозим. Агар белгиланган муддатда банкка раддия аризаси топширилмаса, яъни ёзма равишда акцептлашни рад этмаса талабнома акцептланган бўлиб ҳисобланади. Акцептлашни рад этиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар доирасини банк бўлими бошқарувчиси белгилайди. Банклар акцептлашни рад қилиш моҳияти" бўйича қолиб чиққан бахс ва низоларга аралашмайдилар.

Тўлов талабномасини тўлашдан бош тортиб ёзилган раддия аризаси тўловчи томонидан банкка топширилганда талабномалар шу куннинг ўзидаёқ 1- картотекадан олинади ҳамда товар-транспорт ҳужжатлари ва бошқа иловалар билан бирга махсулот етказиб берувчи корхона банкка ижросиз қайтариб юборилади. Тўловчи талабномани акцептлашдан қисман бош тортганда, тўловчи томонидан акцептланган сумма бўйича тўловлар ўтказилади. Тўловчи ҳисобварагида талабноманинг акцептланган қисмини тўлашга етарли пул маблағлари бўлмаганда талабнома «Муддатда тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» картотекасига жойлаштирилади. Бу картотека 2-картотека деб юритилади. Бунда талабноманинг даълабки суммаси учиради ва ёнида тўловчи акцептлаган сумма ёзиб қўйилади. Картотекага кирим қилинган сумма тўловчи корхона ҳисобварагига пул маблағлари келиб тушгандан сўнг тўланади.

Агар 1- картотекага жойлаштирилган тўлов талабномаси бўйича тўловчи томонидан раддия аризаси келиб тушмаса, тўлов талабномаси акцептлаш учун берилагн 3 кун муҳлат ўтгандан сўнг тўланади. Тўлов талабномасини тўлашдан аввал тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварагини юритувчи масъул ижрочи талабномани тўлаш учун етарли пул маблағларининг тўловчи ҳисобварагида мавжудлигини текширади. Агар депозит ҳисобварагида етарли пул маблағлари бўлса, талабнома тўланади. Тўлов талабномасини тўлаш қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали амалга оширилади:

Банк 2-картотека даги муддати ўтказиб юборилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича тўловларни амалга оширишда тўловчилардан пеня ундириш ва олувчилар фойдасига ўтказиш ҳуқуқига эга, агар бу банк ва миждоз ўртасида тузилган шартномада келишилган бўлса. Банк тўловчилардан маблағларни олувчилар фойдасига муддати ўтказиб юборилган тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қонунда белгиланган миқдорда пеня ундиради. Муддати ўтказиб юборилган кунларни белгилашда календар кунлар ҳисобга олинади. Ундирилган пеня муддати ўтказиб юборилган тўловнинг асосий суммаси билан тўловчининг ҳисобварагидан ҳисобдан чиқазилади ва махсулот етказиб берувчининг банкига. Электрон тўловлар тизими орқали ўтказилади.

Баъзи вақтларда тўлов талабномасини тўлаш учун тўловчи корхонанинг розилиги, яъни акцептлаши талаб этилмайди. Тўловчиларнинг ҳисобварақларидан маблағларни акцептламасдан ҳисобдан чиқариш томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан коммунал хизмат, телефон, канализация, почта-телеграф харажатлари ҳамда ташилган мусор учун амалга оширилади. Коммунал хизматлар учун тўловлар ва улчов асбоблари газ, сув, иссиқлик ва электр-энергияси учун ҳисобланади. Бундай акцептиз тўловларни амалга ошириш учун банкка тақдим қилинган тўлов талабноманинг юқори қисмига «акцептиз» ҳамда "ҳисоблаш асбоблари асосида" деган сўзлари кўрсатиб утилган бўлиши лозим. Ушбу ёзувлар бўлмаган тақдирда талабномалар умумий асосда акцептланади ва тўланади. Талабномада маълум тўловларни акцептламасдан ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга бўлган қонуний ҳужжат ёки шартноманинг санаси, номери ва тўловнинг мақсади кўрсатилиши шарт. Бунда банк илова қилинган ҳужжатларнинг талабномада кўрсатилган уларнинг реквезитларига мослигини текшириб кўради.

Марказий банк тижорат банклари билан ҳамкорликда электрон пластик карточкаларидан фойдаланиш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш миллий тизими лойҳасини жорий этмокда. Кўпгина тижорат банкларида шу

йилнинг ўзидаёқ микропроцессор карталари асосида нақдинасиз ҳисоб-китоблар тизими жорий этилди. Шу билан бирга ВИСА. Мацер сард-эуро Пай каби жаҳоннинг асосий тўлов тизимларига қўшилиш учун аралаш турдаги карточкалардан фойдаланиш имконияти кўриб чиқилмоқда.

Фоизи бўйича келтирувчи депозит ва қимматли қогозларга сармоя сарфлаш таваккалчилигининг даражасини баҳолашга оид банк ва хўжалик юритувчи субъектларнинг амалий эҳтиёжлари бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботнинг янги тизимини яратиш заруриятини вужудга келтирди, бу эса банк ишларнинг технологик асосини қайта кўришда яна бир муҳим вазифа бўлди.

Фукароларнинг ёзма топшириқлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган пул маблағларини нақд пулсиз ўтказишни амалга ошириш учун банклар мемориал ордерлардан фойдаланишлари мумкин.

Инкассо топшириқномаси маблағлар олувчининг тўловчининг ҳисобварагидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги банкка топширини англатади.

Инкассо топшириқномаларини қуйидагилар тақдим қилиши мумкин:

а) солиқ органлари солиқлар ва давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига мажбурий тўловларга оид тўловлар ва боқимондаларни ундириб олишда;

б) "Ўзавтодор" концерни органлари Республика йўл фондига муддати ўтиб кетган тўловлар бўйича маблағлар ундиришда;

в) божхона органлари ўз муддатида тўланмаган божхона тўловлари ва жарималарни ундиришда;

г) суд ижрочилари ва ундирувчилар ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағларини ундиришда;

д) қонунчиликка мувофиқ бошқа органлар.

қуйидагилар ижро ҳужжатлари ҳисобланади:

- а) судлар томонидан берилган ижро варақлари; суд буйруқлари;
- в) алиментлар тўлаш нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;
- г) нотариусларнинг ижро хатлари;
- д) меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар;
- е) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;
- ж) суд ижрочиларининг қарорлари;
- з) қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда, бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Тўловчининг ҳисобварагида маблағлар бўлмаганда, инкассо топшириқномаси 2-картотекада тўловини кутаётган ҳужжатлар қаторига жойлаштирилади ва қонунчиликда ўрнатилган тартиб навбатида тўланади.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклида миқдорнинг (тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) унинг контрагенти маблағларни олувчи фойдасига тўловни амалга ошириш ёки бошқа банкка бу турдаги тўловларни бажариш учун ваколат бериш мажбуриятини маблағлар олувчи томонидан ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда, олади.

Аккредитивлар қопланган (депонентланган ва қопланмаган турларда очилиши мумкин).

☐ қопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда, банк-эмитент уни очган вақтида миқдорнинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни банк-эмитент-нинг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига ўтказиши шарт.

☐ қопланмаган аккредитив очилган тақдирда, банк-эмитент ижрочи банкка аккредитивнинг бутун суммасини банк-эмитентнинг ижрочи банкида юритилаётган ҳисоб-варагидан учуриш ҳуқуқини беради.

□ қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинадиган ёки чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Унинг матнида ушбу белги мавжуд бўлмаган ҳолда, ак-кредитив чақириб олинадиган ҳисобланади.

Чақириб олинадиган аккредитив банк-эмитент томонидан маблағларни олувчи билан олдиндан хабардор қилмаган ҳолда, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Аккредитивни чақириб олиш банк-эмитент зиммасига маблағларни олувчи олдида бирон-бир мажбурият юкламайди. Тўловчи чақириб олинадиган аккредитивнинг шартларини ўзгартириш ёки бекор қўилиниши барча кўрсатмаларни маблағлар олувчига, фақат банк-эмитент орқали бериши мумкин.

Агар ижрочи банк операцияларни бажариш пайтигача аккредитивнинг шартлари ўзгартирилганлиги ёки у бекор қилинганлиги ҳақида билдиришнома олмаган бўлса, у чақириб олинадиган аккредитив бўйича тўловни ёки бошқа операцияларни амалга ошириши шарт.

Тасдиқланган аккредитив бўлганда ижрочи банк банк-эмитентнинг аккредитив шартларига мувофиқ, тўловни амалга ошириш мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига қўшимча равишда мажбуриятлар олади.

Тасдиқланган аккредитив ижрочи банкнинг розили-тисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитив бўйича депозит ҳисобварагидан нақд пул берилишига ҳамда аккредитивни бошқа шахслар номига қайта расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Тижорат банки ҳисоб-китоб ёки (кейинги матн бўйича чек) бу миқдорнинг хизмат кўрсатувчи банкка, чек берувчининг ҳисобварагидан, чек қабул қилувчининг ҳисобварагига маълум миқдордаги маблағларни ўтказиб бериш топширигидир.

Чеклар фақат товарлар, иш ва хизматлар учун жисмоний шахслар ва юридик шахслар яқка тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қилишда қўлланилади.

Чекнинг максимал суммасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўрнатади, минимал суммасини эса тижорат банклари муцақил равишда белгилашади.

Чек омонат кўювчи жисмоний шахснинг депозит ҳисобварағида сақланаётган маблағлар ҳисобига ёки топширилган нақд пул суммасига берилади.

Чекнинг амал қилиш муддати тижорат банклари томонидан муцақил равишда белгиланади.

Пластик карточка тегишли банкда карточка эгасининг ҳисобварағи мавжудлигини тасдиқловчи ва нақд пулсиз товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи, шахси белгиланган, банк томонидан чиқарилган тўлов воситасини ўзида ифода этади.

Пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар, бир томондан, ҳамда махсулотни сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар (кейинги матнда савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари), иккинчи томондан, ўртасидаги бўладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек нақд пул бериш пунктлари (НПБП) ва банкоматлардан нақд пул олишда қўлланилади.

Ваколатли банклар ҳалқаро пластик карточкалар чиқариши ва улар бўйича хизмат кўрсатиши мумкин, бунда улар ҳалқаро тўлов тизимлари билан тузилган шартномаларга ва мазкур Низомга мувофиқ, бажариладиган операциялар қоидаларига амал қилишлари шарт.

Алоқадорлиги бўйича пластик карточкалар шахсий, оилавий ва корпоратив турларга бўлинади.

а) шахсий карточка - бу жисмоний шахсга берилган пластик карточкадир;

б) оилавий карточка-бу шахсий карточка эгасининг ишончномаси асосида фойдаланувчига берилган пластик карточкадир;

в) корпоратив карточка - бу юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган пластик карточкадир. Корпоратив карточкалардан иш ҳақи ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа тўловларни, шунингдек нақд пул маблағларини тўлашда фойдаланиш таъқиқланади.

Пластик карточкалар бажарадиган вазифалари бўйича қуйидаги турларга бўлинади:

а) дебет-карточкасидан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан мижоз ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ ўзининг карточкасидаги пул маблағларидан товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўлаш ва ёки нақд пул маблағларини олишда (корпоратив карточкалардан ташқари) фойдаланиш имконини беради;

б) кредит-карточкасидан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан тузилган, шартнома шартларига мувофиқ, эмитент томонидан товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўлаш ва ёки нақд пул маблағларини олиш учун (корпоратив карточкалардан ташқари) берилган кредит линияси микдорида операцияларни амалга ошириш имконини беради;

в) электрон ҳамён-жисмоний шахсларнинг карточкаси бўлиб, ундан фойдаланиш унинг эгасига пластик карточкадаги колдик маблағлар доирасида товарлар, ишлар, хизматларга ҳақ тўлаш ва ёки нақд пул маблағларини олишга имкон беради.

Электрон ҳужжатлар банк-еквайер (савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналарига хизмат кўрсатувчи банк)га, банк-эмитентга ёки клиринг марказига, шартномада келишилган даврийликда жўнатилади.

Банклар ҳисоб-китобларни амалга оширишда хатоликка йўл қуйишса, "Тижорат банклари томонидан ҳисобварақларни очиш, мижозларнинг ҳисобварақларидан маблағларни чиқариш ва тушириш, иш ҳақи ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул беришда белгиланган талабларни бузганлиги учун жарималар қўллаш тартиби тўғрисида"ги Низомга (30.06.2001 1044-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ, жавобгарликка тортиладилар.

Тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлари орқали ўтадиган тўловлар бўйича барча операциялар, агарда овердрафт (қисқа муддатли кредит тақдим этилиш) кўзда тутилмаган бўлса, қатъий равишда вакиллик ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлар доирасида бажарилади.

Халқаро банк амалиётида уч юздан ортиқ банк операциялар мавжуд. Чунки ишлаб чиқаришнинг тинимсиз ривожланиб бориши, жамиятнинг янада банк хизматларига бўлган талабни доимий равишда ортиб бориши тижорат банкларидан банк хизмати соҳасида янада янги хизмат турларини ишлаб чиқишни ва амалиётга тадбиқ этишни тақозо этади. Агарда бу соҳада рақобат оламида бошқа тижорат банкларидан орқада қолиб кета, у ҳолда бу банк ёки «синади» ёки банк хизмати оламида мижоз талабига мос хизматларини ўз вақтида тақлиф этаётган банк томонидан «ютиб» юборилади. Янги банк хизмат турларидан бири бўлиб факторинг ҳисобланади. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки факторинг банк учун ноаънанавий хизмат тури ҳисобланади, чунки факторинг операция билан махсус факторинг компаниялари ҳам шугулланадилар. Хориж тажрибаси шунинг кўрсатмоқдаки, факторинг операцияларини олиб боровчи факторинг компаниялари ёки биронта йирик банк билан камин бағланган, ёки биронта банкнинг шуъба шахобчаси ва баъзи ҳолларда банкларининг ўзи бўлиб ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб интизомига риоя қилмаган банклар Ҳисоб рақамлар очиш, мижозлар ҳисоб рақамларидан маблағларни ўтказиш ва кўчириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1044, 2001 йил 30 июнь) мувофиқ жавобгар бўлади.

Банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари орқали ўтказиладиган операциялар, агар овердрафт (қисқа муддатли кредит бериш) назарда тутилмаган бўлса, банкларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар доирасида амалга оширилади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҲИСОБ-КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ҲОЛАТИ ВА ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

2.1 Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида ҳисоб-китоб операцияларини ташкил этилиши ҳолати ва уларнинг ривожланиш босқичлари

Банклараро тўлов тизими банклар ўртасидаги миллий валюта (сўм)да электрон тўловларни банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган.

Ўзбекистонда банклараро ҳисоб-китоблар ривожланиши 1994 йилгача қисқача:

- 1990 йилларгача «Банклараро ҳисоб-китоблар» термини ишлатилмас эди.
- 1991 йилдан бошлаб бу камчиликларни тугатиш мақсадида Ўзбекистонда банклараро ҳисоб-китобларга ўзгаришлар киритила бошланди.
- 1994 йилда Республика Марказий банки янги электрон тўловлар концепциясини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклараро ҳисоб-китоблар тижорат банкларининг Марказий банк Ҳисоб-китоблар марказларида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали электрон тўловлар тизими бўйича миллий валютада амалга оширилади. Банкларда ҳисоб-китоблар бўйича электрон хужжат айланмаси “Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида”ги 19.02.2001 йилдаги 1010 – сон билан руйхатга олинган Низомга мувофиқ , ташкил қилинади.

Миллий тўлов тизими босқичлари қисқача кўринишида қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- ❖ Биринчи босқич 1991-1994 йилларни ўз ичига олади. 1991-92 йилларда Марказий банкнинг Бош ахборотлаштириш Марказида банклараро ҳисоб-китобларда электрон почта усулини яратиш устида ишланди.
- ❖ 1995 йил апрел ойидан иккинчи босқич. Агар 1996 йилда ҳисоб-китоблар республика ичида 1 кунда, вилоят ичида 1 соатда яқунланган бўлса, бу вақт борган сари қисқариб борди. 1997-98 йиллардан бошлаб ҳудудлараро тўловларнинг ўтиши 15-20 дақиқани, ҳудуд ичидаги тўловларнинг ўтиши 3-5 дақиқани ташкил қилишига эришилди.
- ❖ 1998 йилдан бошлаб 2001 йилгача III босқич. Электрон тўлов тизимини такомиллаштирилди.
- ❖ 2002 йилдан IV босқич. Тижорат банклариغا ягона вакиллик ҳисобварағи орқали хизмат кўрсатиш бошланди.

Ўзбекистон Республикасида тўлов тизимининг ривожланиши босқичларини тўлиқ йиллар бўйича тавсифласак қуйидаги кўрсаткичларни қайд этилишини кузатиш мумкин.

Собиқ иттифоқ давлатлари орасида энг самарали ва жаҳон талаблари даражасида деб ҳисобланган республика тўлов ва ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланиши тўрт босқичга бўлинади:

1-БОСҚИЧ

1991 йил. Вилоятлар ичида ҳисоб-китоблар почта ва ташувчилар орқали ягона ҳисоблаш марказида амалга оширилади. Бу жараён бир ҳафтани ташкил этар эди. Вилоятлараро ҳисоб-китоблар ҳам почта орқали авизо ҳужжатлари асосида амалга оширилган. Бунда маблағлар бир миқдорнинг ҳисобварағидан иккинчи миқдорнинг ҳисобварағига бир ойдан икки ойгача бўлган муддат мобайнида келиб тушар эди.

1992 йил. Марказий банк Бош ахборотлаштириш марказида банклараро ҳисоб-китобларда электрон почта усули яратиш устида ишланди. Шунингдек банк амалий иш кунини компьютерлар воситасида бажариш амалий

дастурини яратиш ва уларни банкларда тадбиқ этиш бўйича иш олиб борилди.

1993 йил. Шу йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунини бажариш юзасидан Марказий банкда ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларида ахборотлаштириш бошқармаси ва бўлимлари ташкил этилди. Банклараро махсус ажратилган алоқа каналлари вазифасида электрон тўлов тизимини ишга тушириш борасида иш олиб борилди. Республика банк тизимини ахборотлаштириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Собиқ Иттифок республикалари билан ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш ва уларга хизмат кўрсатиш амалий дастури яратилди. Марказий банкнинг ҳудудий бошқармалари тўлиқ компьютерлаштирилди. Яъни бир пайтда республика электрон тўлов тизимини замини яратила бошланди. Шу йилнинг декабр ойидан бошлаб жуда қисқа муддат уч ой мобайнида Собиқ Иттифок республикалари билан 1991, 1992 ҳамда 1993 йиллардаги йиғилиб қолган ўзаро ҳисоб-китоблар, қарзлар ҳисоблаб чиқилди ва 1994 йилнинг март ойига келиб бу борада аниқ маълумотларга эга бўлинди.

1994 йил. 18 март куни қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 146-сонли "Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Марказий банк тизимида электрон почталарни жорий этишни октябрга қадар тугаллаш вазифаси юклатилди. Шунингдек, Қарорда республика банк компьютер тизимини яратиш учун зарур валюта маблағларини ажратиш ҳам кўрсатилди.

13 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси банк тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор қабул қилинди. Унга асосан банклар қатор солиқлардан озод қилинди ва бўшаган маблағларни ўз фаолиятини компьютерлаштиришга сарфлаш шарт қилиб қўйилди. Мазкур Қарорларга биноан тижорат банкларининг

бўлимлари компьютерлаштирила бошланди ва улар электрон тўлов тизимига қўшиб борилди.

Август ойи охирига келиб мустақилликнинг уч йиллиги шарафига электрон тўловлар вақтинчалик Низоми яратилди. Октябр ойидан бошлаб эса электрон почта республика банк тизимида ишга туширилди. Республика банк тизимида бухгалтерия ҳисоб-китобларни ва банк амалий иш кунини умумий бир кўринишга келтириш учун зарур ишлар амалга оширилди. Марказий банк қилинган бу ишлар билан чекланиб қолмасдан ўзининг мутахассислари кучи билан электрон тўлов тизими амалий дастурини республика миқёсида тадбиқ этиш устида ҳам тинимсиз иш олиб борди ва 1995 йил учун замин яратди.

2-БОСҚИЧ

1995 йил. Апрель ойида Марказий банк Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси банклараро тўлов тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган халқаро танлов тендер эълон қилди. Марказий банкда ташкил этилган электрон тўлов тизимини яратиш ишчи гуруҳи ўтган йиллардан олинган тажрибалар ва хулосалар, шунингдек жаҳоннинг илғор давлатлари ютуқларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида электрон тўлов тизими технологиясини яратдилар. Эски тизим 19 августдан бошлаб янги технология билан алмаштирила бошланди. Бу пайтга келиб Марказий банк тизимида ҳисоб-китоб марказлари ташкил этилди ва тижорат банкларига электрон тўлов бўйича хизмат кўрсатила бошланди. Янги технологияга ўтила бориши сабабли йилнинг охиригача республикада 2 тизим: электрон почта ва электрон тўлов тизимлари ишлаб турди. Йил охирига келиб эса барча тижорат банклари Марказий банкнинг ҳисоб-китоб марказлари, клиринг марказлари электрон тўлов тизимига қўшилди.

1996 йил. Янги ташкил этилган ҳисоб-китоб марказлари тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларини клиринг марказларидан ўзларига ўткази бошладилар. Июль ойига келиб клиринг марказлари бутундай қисқартирилди. Шу билан бир қаторда Марказий банк Бош

ахборотлаштириш маркази мутахассислари ва банк ходимлари тўловларнинг ўтиши муддатини янада қисқартиришни таъминлаш борасида тинмай изланиш олиб бордилар. Бунинг натижаси ўлароқ, йил охирига келиб тўловлар ўтиши муддати республика миқёсида 2 соат, вилоят миқёсида 1 соатни ташкил этди.

1997 йил. Республика банк тизимида янги ҳисоб тизими режасига ўтилиши тижорат банклари ва Марказий банк тўлов тизими туб бурилиш ясади. Электрон тўлов тизимининг мавжуд амалий дастури ривожлантирилиб, тизимнинг катта ўтказиш қобилияти ва ҳужжатларнинг юқори тезликда қайта ишланиши (худудлараро ҳисоб-китоблар - 15 дақиқада, битта худуд ичидаги ҳисоб-китоблар эса – 3-5 дақиқада) пул маблағлари айланишини жиддий оширди. Бу эса республика хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятига ижобий таъсир этди, банкларга вақтинча бўш турган маблағлардан самарали фойдаланиш ва кредит хавф-хатари даражасини ҳамда ликвидлилик хавф-хатарини тезкорликда бошқариш имконини берди.

3-БОСҚИЧ

1998 йил. Марказий банк билан Жаҳон банки ўртасида 1998 йил декабр ойида “Республика молия соҳасини ривожлантириш” учун заём ажратиш тўғрисида шартнома имзоланди. Бу лойиҳа беш компонентга бўлиниб, шулардан тўртинчи компонент ўз ичига қуйидаги масалаларни олади:

- тўлов тизимини такомиллаштириш;
- бошқариш учун ахборот тизимини яратиш;
- банк телекоммуникация тизимини ривожлантириш;
- ахборот тизими муҳофазасини яратиш.

Юқорида келтирилган масалалар бўйича тадбирларни ниҳоясига етказиш 2003 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган бўлиб, ҳар бир масала бўйича ривожланиш йўллари тижорат банклари билан биргаликда аниқланди ва чет эл экспертларининг хулосалари олинди.

4-БОСҚИЧ

2002 йил. Тўловларни реал вақтда ўтишини таъминлаш ва тижорат банкларига ягона вакиллик ҳисобварағи орқали хизмат кўрсатиш бўйича технология танланиб, ушбу бўйича техник топшириқ, ишлаб чиқилди ва банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказиш ҳамда банкларда ахборотлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш бўйича дастур яратилди. Тижорат банкларининг банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали амалга ошириш тизимига ўтиши 2002 йилнинг июн ойидан бошланди. Тўлов тизимини такомиллаштириш мақсадида халқаро тендер ўтказилиб, тендер ғолиби билан мавжуд банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳаси бўйича шартнома тузилди. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш мақсадида тўловларни амалга оширадиган миллий тизим яратиш концепцияси тавсияномалар ва схемалар ишлаб чиқилди. Республикамизда мавжуд йирик банклар, хусусан ТИФ Миллий банк, Асака банк, Саноатқурилиш банки, Халқ банки ва Пахта банкларида пластик карточкалар орқали тўловларни ташкил қилиш йўлга қўйилди.

2003 йил. Тижорат банкларини банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали амалга ошириш тизими 2003 йил 8 сентябрда тўлиқ ишга туширилди ва барча банкларда марказлаштирилган ахборот тизими ташкил этилди. Бу банкларга кундалик тўловлар ўтказиш учун банд бўлган маблағларни бир қисмини бўшашига ва уларни ўринли активларга жойлаштиришга, банк ўз филиалларини мавқеини таҳлил қилиб керакли чора кўришга, банкнинг кунлик ягона баланси унинг ликвидлилигини, таваккалчиликларини, мажбуриятларни, ўз капиталини аниқ ифода этишга имкон беради.

Шунингдек, Жаҳон банки кредити ҳисобига тузилган шартномага асосан Банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бажарилаяпти, шунингдек, республика молия тузилмаларини банклараро маълумот узатиш тармоғига улаш ва ўзаро

маълумот алмашинувининг электрон тизимини яратиш бўйича ишлар олиб борилди.

2004 йил. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445–сонли Қарори билан ушбу тизимни кенгайтириш борасидаги илк режа кўрсаткичлари, шунингдек тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш терминаллари билан жиҳозланадиган объектлар рўйхати тасдиқланди. Шу билан бир қаторда, мазкур қарорга мувофиқ мамлакатда Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. Мазкур қарорга мувофиқ, барча тижорат банклари пластик карточкалар тизимида иш олиб борилишига замин яратилди.

2006–2012 йиллар. Барча тижорат банкларида (ДТ Халқ банкидан ташқари) ягона баланс тизимини жорий этилди. Давлат тижорат Халқ банкида ягона баланс технологиясига асосланган тизимни жорий этиш ишлари босқичма-босқич олиб борилиб, 2008 йил 24 ноябрида тўлиқ ишга туширилди. Бундан ташқари, Марказий банкнинг Интеграллашган ахборот-таҳлилий тизими (ИАТТ) 2009 йил май ойида яратилиб, унда тижорат банклари томонидан 58 та талабнома асосида Марказий банкнинг маълумотлар омборхонасида маълумотларни жамлаш, назорат қилиш, ҳисобини юритиш, қайта ишлаш, шакллантириш ва сақлаш жараёнларини автоматлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда ИАТТ таркибига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Интеграллашган автоматлаштирилган банк тизими, Кредит ахбороти миллий институти ахборот тизими, Ягона вакиллик ҳисобварақлар ҳисоб-китоб маркази, Электрон ҳужжат айланиши тизими, банк тизими маълумотлар базалари киритилган ва маълумотлар омборхонаси ташкил этилган бўлиб, айти пайтда мазкур тизимларни такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

1995 йилда Ўзбекистонда илк маротаба миллий валютада кредит ва дебет тўлов пластик карточкалари муомалага чиқарилди.

2004 йил 24 сентябрда 445-сон билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. У савдо ташкилоти ёки хизматлар соҳасига ёхуд пластик карточка эгасига қайси банк орқали хизмат кўрсатилаётганидан қатъи назар, банк операцияларини барча савдо шохобчаларида ягона режимда олиб бориш имконини беради. Айни пайтда, Ягона умумреспублика процессинг маркази сўм пластик карточкаларини муомалага чиқарувчи 26 та тижорат банкни бирлаштиради. Марказда "UZKART" сўм пластик карточкалари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банклараро тўлов тизими ташкил этилган.

Ўзбекистонда ҳозирда пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими жуда кенг тарқалган. Жойларда пластик карточкалар эгаларига кечаю кундуз хизмат кўрсатишга имкон берувчи ахборот-маълумот терминаллари тармоғи ишлаб турибди, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскларни таъмирлаш бўйича сервис хизматлари ташкил этилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида» 2013 йил 26 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 9/1-сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида олиб борилади.

Банклараро тўлов тизимининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими қўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни (21.12.1995 й., № 154-I)
- Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (25.04.1996 й., № 216-I)

- Ўзбекистон Республикаси “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуни (16.12.2005 й., № ЎРҚ-13)
- “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом (14.02.2006 й., № 1545)
- “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом (03.06.2013 й. № 2465)

Банклараро тўлов тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шахсий мулки ҳисобланади.

Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази ва Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ҳисобланади. Банклараро тўлов тизимининг фойдаланувчилари Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар ва молиявий институтлар ҳисобланади.

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази (МБ ҲКМ) — бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Ҳисоб, ҳисоботи ва ҳисоб-китоблар бошқармаси бўлими бўлиб, унинг вазифасига тижорат банкларининг бош офисларига вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда улар ўртасида электрон тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш киради.

Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлими - бу Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва Давлат бюджетининг касса ижроси департаментининг бўлими бўлиб, унинг вазифасига Марказий банк ягона балансида Марказий банкнинг банклараро ва филиаллараро тўловларини ўтишини таъминлаш киради.

Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази (АБМ) — амалдаги қонунчилик ҳамда АБМ ва банклар ўртасидаги шартномаларга мувофиқ банклараро тўлов тизимининг техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайдиган марказ.

Банкнинг вакиллик ҳисобварағи (вакиллик ҳисобварақ) - бу банкка МБ ҲКМда очилган ва банклараро электрон тўловлар ўтказишга мўлжалланган ҳисобварақдир.

Электрон тўлов ҳужжати (ЭТХ) - бу пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг асл нусхалари асосида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган форматда яратилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжатдир. Унинг электрон рақамли имзоси ва тўғри расмийлаштирилиши текширилганда, ижобий натижа берса, у асл нусхасидек юридик кучга эгадир. Кўриниш шаклида тақдим этилганда, ЭТХ асл ҳужжат сингари "Электрон" белгиси билан расмийлаштирилади;

Ташаббускор (инициатор) банк - бу ЭТХни шакллантириш ва бошқа банк адресига жўнатиш йўли билан электрон тўловни бошловчи банкдир;

Бенефициар банк - бу банклараро тўлов тизими орқали ташаббускор банкдан жўнатилган ЭТХни қабул қилувчи банкдир;


Электрон тўловни бошлаш - ЭТХни шакллантириш ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш.

Банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланувчи банкларнинг МБ ҲКМ билан, банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар ўтказиш учун эса — АБМ билан тузилган икки томонлама шартнома асосида тартибга солинади.

Банклараро тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги талабларга риоя этилади:

- а) Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни тезкорлик билан ўтказишни таъминлаш;
- б) узатилаётган ЭТХларни рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш;
- в) электрон тўловларни тартибга солувчи қонунлар ва қоидаларга риоя қилиш.

Ўзбекистонда бугунги кунда барча тўловлар электрон кўринишда вертикал равишда амалга оширилади (1 – расм). Яъни бир банкдан бошқа банкка тўлов амалга оширилатганда у, албатта, автоматик тарзда Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази орқали ўтиши зарур. Айнан шу чоғда Марказий банк ҳам бир банкнинг вакиллик ҳисобрақамидан бошқа банкнинг вакиллик ҳисобрақамига тўловларни ўтказишда ҳисобрақамлардаги қолдиқларни мутаносиб равишда камайиши ёки кўпайишини мувофиқлаштириб қўяди.



1 – расм Электрон тўлов ҳужжатларининг ўтиш схемаси¹¹

Электрон тўловлар банклардан фақатгина вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи доирасида амалга оширилади, агарда МБ ҲКМ ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса.

Банклараро тўлов тизими қуйидаги тамойиллар асосида ишлайди:

а) ЭТХни бирор белги бўйича қайта ишлаш устуворликлари йўқлиги ҳамда тизимда иштирок этиш учун адолатли ва ошқора рухсат;

¹¹ <http://www.cbu.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

б) фойдаланувчилар нуктаи назаридан қулайлиги ва электрон тўловни амалга ошириш воситаларининг иқтисодий самарадорлиги;

в) ҳисоб-китоблар бўйича аниқ мажбуриятлар тизимини бошқариш самарадорлиги;

г) ташаббускор банк томонидан электрон тўловларни бошлаш;

д) банкларнинг МБ ҲҚМдаги вакиллик ҳисобварақлари ҳамда банкларда уларга тегишли ҳисобварақлардаги айланмалар ва қолдиқлар мос келганда электрон тўловларни амалга ошириш;

е) бошланган электрон тўловни бекор қилиш имконияти йўқлиги;

ж) юқори даражадаги хавфсизлиги, тезкорлиги ва ишончлилиги;

з) ташаббускор банкнинг электрон рақамли имзоси билан ЭТҲ тасдиқлангандан бошлаб электрон тўловнинг чақириб олинмаслиги ва маблағлар бенефициар банк вакиллик ҳисобварағига ўтказилгандан бошлаб электрон тўловнинг якунийлиги;

и) тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларида маблағлар вақтинчалик етарли бўлмаганида, бошланган электрон тўловларни ўз вақтида якунлаш ва кун давомида тизимнинг ликвидлилигини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва банк ўртасида тузилган алоҳида шартнома асосида зарур бўлган маблағларни етказиб бериш имконияти;

к) ЭТҲ алмашувини қабул қилиш - назорат - узатиш технологик даврлар кўринишида ташкил этиш;

л) жисмоний шахсларга берилган тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари бўйича электрон тўловлардан ташқари, электрон тўловларнинг суммаси миқдори учун қўйиладиган чеклашларнинг йўқлиги¹².

Банклараро тўлов тизимида узатиш учун мўлжалланган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тўғри тўлдирилиши бўйича жавобгар банк мижози бўлади.

¹²“Банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида” НИЗОМ Марказий банк 17.01.2006

Маблағларни ҳисобварақларга ўтказиш, ҳисобдан чиқазтиш ҳамда МБ ҲҚМга қайта ишлаш учун узатиладиган ЭТХнинг шакллантирилиши тўғрилиги учун жавобгарлик ташаббускор банкка, МБ ҲҚМдан қабул қилинадиган ЭТХ учун жавобгарлик эса - бенефициар банкка юклатилади.

Банклараро тўлов тизими бўйича узатиладиган маълумотларнинг сақланиши, банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига маблагларни ўз вақтида ва тўғри ўтказилиши ҳамда ҳисобдан чиқарилиши учун, шунингдек, ЭТХнинг қабул қилинганлиги ва қайта ишланганлиги (ЭТХ рақамига, операция суммасига, операцияни амалга ошириш санаси ва тугатиш вақтига асосланишларни ҳисобга олган ҳолда) тўғрисидаги тасдиқномани, вакиллик ҳисобварағидан (оралиқдаги ва якуний) кўчирмани шакллантириш учун жавобгарлик АБМ ва МБ ҲҚМга юклатилади. Банклараро тўлов тизимига уланишнинг учта варианты мавжуд:

- 1) банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини уланиши;
- 2) филиалга эга бўлмаган банкларни уланиши (бунда электрон тўловлар банкнинг амалиёт бошқармаси орқали амалга оширилади);
- 3) банк филиалини уланиши.

Банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини банклараро тўлов тизимига уланиши учун банк Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда хат билан Марказий банкнинг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаментига (МБ ТТАД) мурожаат қилади.

Хатга асосан МБ ТТАД банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини улаш ҳамда унинг филиалларининг вакиллик ҳисобварақларидаги қолдиқларини ўтказиш тартибини тайёрлайди.

Филиалга эга бўлмаган банкни ёки банк филиалини банклараро тўлов тизимига улаш учун, улар қонунчиликда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинган, Банк Депозиторларининг Миллий Ахборот базаси (БДМАБ)да хос рақам (уникал код)га ҳамда банклараро тўлов тизимига чиқиш имкониятини берадиган тегишли дастурий мажмуага эга бўлиши керак.

Филиалга эга бўлмаган банкларни уланиш тартиби қуйидагича:

1) Марказий банкнинг Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти МБ ТТАДга банк томонидан банк фаолиятини амалга ошириш учун Марказий банк лицензиясини олганлиги тўғрисида, банкнинг тўлиқ номи ва манзили кўрсатилган ҳолда хабар беради;

2) МБ ТТАДнинг ёзма хабарномасига мувофиқ, АБМнинг БДМАБ бўлими тижорат банк учун хос рақам ва унга тегишли реквизитларни захиралайди ҳамда бир вақтнинг ўзида банк ва МБ ТТАДга бу ҳақда хабар беради;

3) Банк, хос рақам олгандан кейин, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзо қилиш олиш учун, АБМга - МБ ХҚМнинг серверига кириш рухсатини олиш мақсадида аутентификация маълумотларини аниқлаш учун мурожаат қилади;

4) АБМ ходимлари ёрдамида бир қанча ЭТХларининг қабул қилиш назорат қилиш узатиш технологик алмашувини ўтказиш йўли билан банк тайёрлигининг синов текшируви ўтказилади.

Синов қуйидаги тартибда ўтказилади:

а) банкнинг маълумотлари синов мажмуасидаги тегишли маълумотнома (справочник)га киритилади;

б) дастлаб банк ходимлари билан ахборотлар алмашувини ўтказиш бўйича тушунтириш (инструктаж) ўтказилади;

в) синов мажмуасидаги банкнинг вакиллик ҳисобварағига банкнинг ишлаши учун устав фонди сифатида олдиндан келишилган сумма киритилади;

г) банк вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқни тасдиқлаш учун ахборотни ва ЭТХларини шакллантиради ҳамда АБМга синов тариқасида жўнатади, АБМ шакллантирилган маълумотларни тўғрилигини текширади;

д) АБМ банк учун вакиллик ҳисобварағини тасдиқлаш, иш тугаши ва ЭТХларнинг қайта ишланганлиги бўйича ахборотни шакллантиради, банк эса улар билан ишлай олишини тасдиқлаши керак;

е) Синов банк тайёрлигини текширишда ижобий натижалар олингунча давом эттирилади.

Синов тугаганидан кейин АБМ банк билан биргаликда банк ҳолатининг банклараро тўлов тизимида ишлашга тайёр эканлиги тўғрисида далолатнома тузади;

5) Марказий банк Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментининг банкка лицензия берилганлиги, банкнинг банклараро тўлов тизимида ишлашга тайёрлиги тўғрисидаги Марказий банк Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментининг хабарномалари ҳамда синовнинг ижобий натижаси тўғрисидаги АБМнинг далолатномасига, шунингдек, солиқ тўловчининг идентификацион рақами кўрсатилган Давлат солиқ қўмитасидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси асосида, МБ ТТАД барча банкларга банкнинг очилганлиги, унга БДМАБда хос рақам берилгани ва банклараро тўлов тизимида уланганлиги тўғрисида расмий хабарнома юборади.

Банк филиаллари МБ ҲКМда ҳисобварақлар очмаслигини инобатга олиб, банклараро тўлов тизимида филиалларни улаш бўйича барча тайёргарлик ишларини (филиалнинг тайёргарлик синов текшируви, электрон рақамли имзо калитини яратиш) банклар ўзлари олиб борадилар.

Филиалга хос рақам захиралаш учун банк бевосита АБМнинг БДМАБ бўлимига мурожаат қилади.

Филиал учун электрон рақамли имзо калитларини банкнинг Рўйхатга олиш маркази яратади. Банкнинг Рўйхатга олиш маркази мавжуд бўлмаган тақдирда, банк филиал учун электрон рақамли имзо калитларини яратиш учун Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказига мурожаат қилиши мумкин.

Барча ишлар тугатилгандан сўнг, филиални банклараро тўлов тизимига улаш илтимоси билан, банк МБ ТТАДга хат тақдим этади. Унда банк филиалининг номи, манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк статистик ҳисоботларини беришда филиалнинг ҳудудий тобелиги кўрсатилади.

Ушбу хатга асосан МБ ТТАД банк филиали учун БДМАБда хос рақам беради, электрон маълумотномасига киритади ва банк филиали очилганлиги ҳамда уни банклараро тўлов тизимига уланганлиги тўғрисида барча банкларга расмий хабарнома беради.

Филиални банклараро тўлов тизимида тўғри ишлаши бўйича жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

МБ ХКМда вакиллик ҳисобварақлари қуйидаги тамойилларга риоя қилган ҳолда юритилади:

1) МБ ХКМда банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш амалиёт куни давомида амалга оширилади. ЭТХнинг муваффақиятли қайта ишланганлиги тасдиқланиши билан вакиллик ҳисобварағида акс эттирилади. Узатиладиган ЭТХларида ҳимоя қилиш воситалари ёрдамида хатолар аниқланганда ёки ЭТХларни қайта ишлаш имконияти бўлмаганда, улар қайтарилади (файлни қайта ишлашда - файл бутунлича қайтарилади), ва бу ҳақда электрон квитанция берилади;

2) Электрон тўловлар банклардан фақатгина вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи доирасида амалга оширилади, агарда МБ ХКМ ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса;

3) Банк банклараро электрон тўловлар ўтказишга ўзининг МБ ХКМдаги вакиллик ҳисобварағи ва банкдаги тегишли ҳисобварағидаги айланма ва қолдиқ суммаларининг мувофиқлигини таҳлил қилгандан кейингина киришади.

МБ ХКМ томонидан банкнинг вакиллик ҳисобварағи дебетига ёки кредитига маблағ хато ўтказилганда, МБ ХКМ амалиёт куни давомида банкка хато ўтказилган тўловлар тўғрисида хабарнома жўнатиши керак.

Банк, МБ ҲКМдан хабарномани олганда, дарҳол шу амалиёт кунининг ўзидаёқ, вакиллик ҳисобвараққа хато ўтказилган маблағларни қайтаришни амалга ошириши керак.

Ташаббускор банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у бенефициар банкка хато ўтказилган тўлов тўғрисидаги маълумотни кўрсатган ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтариш тўғрисида хабарнома жўнатади. Бу ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтарилмаслигидан қатъи назар, ташаббускор банк маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт.

Соат 9-00 дан 16-00 гача — банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатлар (ЭТХ)ни узатиш - қабул қилиш - назорат қилиш вақти.

1) Банклар мазкур даврнинг ҳар қандай вақтида МБ ҲКМга ЭТХларни узатишлари мумкин.

2) Жўнатишга мўлжалланган ЭТХ назоратдан ўтади, банкнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, шифрланади ва банк телекоммуникация тармоғи бўйича МБ ҲКМга бундан кейинги қайта ишлашлар учун узатилади.

Соат 17-00 гача Республика бюджети ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тегишли ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш бўйича ЭТХларни узатиш амалга оширилади. Бунда соат 16-30 гача тижорат банклари ўртасидаги, соат 17-00 гача эса — тижорат банкларидан Марказий банк ҳамда Халқ банкига, шунингдек Марказий банкдан юборилган ЭТХларни қайта ишланилиши якунланади.

Соат 17-00 дан АБМ банкларга куннинг якунланиши ва яроқсиз (брак) деб топилган ЭТХлар тўғрисида (ташаббускор банк ва бенефициар банк бўйича) хабарнома жўнатади.

Шундан кейин АБМда “Куннинг якунланиши” босқичи амалга оширилади. МБ ХҚМда қуйидагилар “Куннинг якунланиши” босқичини бажарилишининг шартлари ҳисобланади:

- банклардан ЭТХни қабул қилиш вақтининг тугаши;
- МБ ХҚМга узатилган барча ЭТХ қайта ишланган ва банкларнинг тегишли вакиллик ҳисобварақларида акс эттирилган бўлиши керак.

Банкларда “Куннинг якунланиши” босқичининг вақти банкнинг ички тўлов тизими қоидаларига мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредитни бошқариш хусусият (параметр)ларидан келиб чиққан ҳолда, банклараро ЭТХларининг ўтказиш вақтини тўлов тизими масалаларини назорат қилувчи раис ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан узайтириши мумкин. Бу ҳақда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчилари ЭТХга ишлов бериш вақтининг тугашига бир соат қолғунига қадар кечиктирилмасдан хабардор қилинади.

Банклардан ЭТХ келиб тушганидан кейин, МБ ХҚМда уларни автоматлаштирилган қайта ишлаш ташкил этилади.

Қайта ишлаш жараёнида келиб тушган ЭТХлар ички назорат ва электрон рақамли имзо текширувидан ўтади. Назоратдаги реквизитлар ёки электрон рақамли имзода хатолар аниқланганда, хато ЭТХлари қайта ишлашдан чиқариб ташланади. Шунингдек, ЭТХ БДМАБ базасида бенефициар банк ва ташаббускор банк мижозларининг ҳисобварақлари мавжудлиги бўйича реквизитлар назоратидан ўтади. Агар ЭТХнинг реквизитларида кўрсатилган ҳисобварақлар ўрнатилган тартибда БДМАБда рўйхатдан ўтмаган бўлса, ушбу ЭТХ тегишли хато коди кўрсатилган ҳолда яроқсиз деб топилади.

Ҳар бир ЭТХ батафсил таҳлил қилинишидан олдин, қуйидагилар бўйича текширилади:


а) жорий куннинг бошида вакиллик ҳисобварағи ҳолатини текширганда ижобий натижа чиқиши;

б) электрон тўловни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида етарли маблағларнинг мавжудлиги.

Текшириш мобайнида, ҳар бир ЭТХ қайта ишлангандан кейин банкнинг вакиллик ҳисобварағида қолиши кўзда тутилган қолдиқ суммаси ҳисобланади. Файл алмашувида дастлаб ҳисобвараққа ўтказиладиган, кейин эса, ҳисобдан ўчириладиган барча электрон тўловлар ҳисобга олинади.

ЭТХда биронта хато аниқланса, шунингдек электрон тўловларни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаса, мазкур ЭТХ қайта ишлашдан чиқарилади ва бу ҳақда банкка хато коди кўрсатилган ҳолда ахборот тақдим этилади.


Ҳар бир ЭТХ қайта ишлаш жараёнида МБ ҲКМда тўлов ўтказмалари 11001, 11003, 21302, 21304 ва 27416 ҳисобварақларида акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.



2 – расм Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони¹³

¹³ <http://www.cbu.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

Юқоридаги 2 – расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, сўнгги 10 йил ичида мамлакатимизда амалга оширилган транзакциялар сони 3 бараварга ортган ҳамда 17 657 мингтадан 54 354 мингтагача етган. Айниқса, 2011, 2012 ва 2013 йилларда бу кўрсаткич олдинги йилларга нисбатан кескин ортган ҳамда мос равишда 44 151, 48 671 ва 54 354 мингтани ташкил этган. Транзакциялар сонининг ортаётгани, албатта, мижозлар сонининг ортаётгани ва амалга оширилаётган ҳисоб-китоб операциялари ҳажмининг ортаётганидан далолат беради.



3 – расм Марказий банкнинг банкларро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси¹⁴

Берилган 3 – расм маълумотлари асосида шуни гувоҳи бўлишимиз мумкинки, 2003 йилдан токи 2013 йил якунигача транзакциялар сони нафақат сонда балки суммада ҳам ошиши кузатилган ва дастлаб 28 153 млрд. сўмдан сўнгги 2013 йилда 891 526 млрд. сўмгача етган. Бу эса транзакциялар

¹⁴ <http://www.cbu.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

суммаси берилган давр мобайнида 31 бараварга ошганини билдиради. Олдинги йиллардан фарқли ўлароқ, айнан 2009 йилдан бошлаб транзакциялар суммаси шиддат билан ортишни бошлаган ва кейинги йилларда йилига ўртача 150 млрд.дан ортган. Бундай кўрсаткичларнинг қайд этилиши, албатта, ижобий ҳолат саналиб, мамлакатимиз тижорат банкларида айланаётган транзакцияларнинг тезлашгани ва миқдор жиҳатдан ҳам ортиганини билдиради.

2.2 Тижорат банклари фаолиятида ҳисоб-китоб операцияларини ташкил этилиши самарадорлиги


Айни вақтда банк-молия хизматлари кўламини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий шакли — банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра:

- муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони 11 млн. донани;
- чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони қарийб 129,7 мингтани;
- ўрнатилган инфокиоск ва банкоматлар сони 1733 тани ташкил этди.


Ўз навбатида, 2013 йил давомида пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 2012 йилдагига нисбатан 1,4 баробарга ошиб, 16,3 трлн. сўмни ташкил этди¹⁵.

¹⁵ <http://www.cbu.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)



4– расм Муомалага чиқарилган банк карталари сони¹⁶

Юқоридаги расм маълумотлари шуни кўрсатадики, сўнгги 15 йил мобайнида муомалага киритилган банк пластик карточкалари сони 32 мингтадан тадан 11 млн 68 мингтани ташкил қилди.




5– расм Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталари орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси¹⁷

¹⁶ <http://www.cbu.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

¹⁷ <http://www.cbu.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)


Берилган расм маълумотлари мамлакатимиздаги тижорат банкларининг мижозлари бўлмиш жисмоний шахсларнинг амалга ошираётган тўловлари бўйича транзакцияларнинг умумий суммаси 2004 1 январ ҳолатига кўра 100 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йил 1 январга келиб 16 трлн. 307,3 млрд. сўмни ташкил этганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Айниқса 2009 йилдан бошлаб транзакциялар сони олдинги йилларга нисбатан кескин ортишини кузатишимиз мумкин. Бу ҳолат эса, банклардаги ҳисоб-китоб операцияларининг бир қисми бўлган пластик карталар орқали тўловлар ҳажмининг йилдан йилга ошаётганини намоён этади.



6– расм Ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллар сони¹⁸


Расмда кўрсатилганидек банк ва банк мижозларининг техник-технологик жиҳатдан таъминлаш масаласида етакчи ўринда турувчи ҳисоб-китоб терминалларининг ўрнатилиш даражаси йилдан йилга ошмоқда. 2002 йилда бу кўрсаткич 872 тани ташкил этган бўлса орадан 12 йил ўтиб 2014 йилда 129 679 тага етганлиги қайд этилган.

¹⁸ <http://www.cbu.uz> ((Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти))



7– расм Ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони¹⁹

2.2.4 – расмда кўрсатилган маълумотлардан мамлакатимиз банк тизимида хизмат кўрсатишни техник технологик жиҳатдан нақадар таъминланганлигини кўришимиз мумкин. Унга кўра 2000 йилда юртимизда 98 та банкомат ва инфокиосклар мавжуд бўлган бўлса, эндиликда сўнгги 14 йилда бу кўрсаткич салкам йигирма бараварга ошган ҳолда 2014 йил 1 январ ҳолатига кўра 1733 тани такшил этмоқда.




2.2.5 – расм 2013 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони²⁰

Ўтган 2013 йил давомида тижорат банклари томонидан умумий ҳажмда 54 млн. 353 минг 573 та транзакциялар амалга оширилган (2.2.5 –

¹⁹ <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

²⁰ <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

расм). Шулардан энг кўпи 51,62 %ни ташкил этган ҳолда тўлов топшириқномалари ҳиссасига тўғри келган. Ундан кейинги ўринда кредит мемориал ордери ҳужжати орқали тўловлар расмийлаштирилган ҳамда 42,11 % ни ташкил этган. Инкассо топшириқномаси ва тўлов талабномалари орқали амалга оширилган ҳаракатлар сони мос равишда инкассо 5,13 % ва 1,13% ни ташкил этган.



2.2.6 – расм. 2013 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси²¹.

Ўзбекистонда 2013 йил давомида амалга оширилган барча транзакцияларнинг умумий суммаси 891 трлн. 526 млрд. сўмни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш жоиз (2.2.6 – расм). Тўлов топшириқномалари ва кредит мемориал ордери орқали ўтказилган тўловлар суммаси мос равишда 50,64 % ва 48,18 % улушни эгаллаган. Бошқа ҳужжатлар орқали расмийлаштирилган тўловлар 1,18 % улушга эга бўлган ҳолда 10 трлн. 529 млрд. сўмни ташкил қилган.

2.2. 1 – жадвал.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизимида тўлов ҳужжатларидан фойдаланиш²² (транзакциялар сони)

²¹ <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

²² <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

Иил	Дебет мемориал ордерлар	Ҳисоб-китоб чеклари	Кредит мемориал ордерлар	Тўлов топшириқ-номалари	Тўлов талаб-номалари	Аккредитивга аризалар	Инкассо топшириқ-номалари	Жами
2003	2 226	1 319 015	4 861 557	9 891 580	624 317	475	957 655	17 656 825
2004	3 538	514 256	6 107 587	12 952 389	713 674	587	1 437 042	21 729 073
2005	4 181	44 578	6 948 765	14 611 935	710 501	656	1 411 432	23 732 048
2006	6 446	10 581	7 600 728	15 534 626	773 168	853	1 288 816	25 215 218
2007	11 468	11 669	8 502 745	16 482 372	817 496	1 082	1 390 398	27 217 230
2008	2 020	10 359	9 046 691	18 486 463	804 872	1 083	1 267 949	29 619 437
2009	477	108 059	10 825 179	18 779 502	740 351	1 497	1 164 328	31 619 393
2010	491	173 946	12 787 592	20 584 900	690 003	3 092	1 246 508	35 486 532
2011	398	36 300	17 080 780	24 468 429	678 846	2 936	1 883 384	44 151 073
2012	652	47 579	19 866 464	25 482 113	637 269	1 565	2 635 780	48 671 422
2013	4 178	1 895	22 888 511	28 055 982	611 704	1 406	2 789 897	54 353 573

Юқоридаги жадвалда сўнгги 10 йил ичидаги банклараро тўловларда фойдаланилаётган ҳужжатлардаги транзакциялар сони алоҳида ҳужжатлар бўйича миқдори билан биргаликда акс эттирилган. Унга кўра дебет мемориал ордери 2003 йилда 2 226 тани ташкил этган бўлса 2007 йилда 11 468 тага етган ва энг кўп миқдорни айнан шу йили қайд этган, сўнгги 2013 йилда 4 178 та дебет мемориал ордери бўйича транзакциялар ўтказилган. Ҳисоб-китоб чекларидан 2003 йилда 1 млн. 319 минг 15 та транзакциялар амалга оширилган бўлса, сўнгги йилларда унинг сони кескин камайган ҳолда 2013 йилга келиб 1 896 тани ташкил этган ҳолос. Кредит мемориал ордерлари ва тўлов топшириқномалари тегишли давр мобайнида транзакциялар сони доимий ўсиб борган. Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар миқдори эса сўнгги йилда 611 704 тани ташкил этган. Аккредитивга ариза ва инкассо топшириқномаси бўйича тўловлар берилган муддат мобайнида ўсиш тенденциясига эга эканлиги қайд этилган.

2.2.2 – жадвал.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизимида тўлов ҳужжатларидан фойдаланиш²³ (транзакциялар суммаси,

²³ <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

млн.сўм)

Иил	Дебет мемориал ордерлар	Ҳисоб-китоб чеклари	Кредит мемориал ордерлар	Тўлов топшириқ-номалари	Тўлов талаб-номалари	Аккредитивга аризалар	Инкассо топшириқ-номалари	Жами
2003	520 134.3	13 655.5	12 304 275.4	14 783 256.1	240 268.8	5 273.3	286 240.1	28 153 103.5
2004	264 394.4	6 985.3	14 760 216.0	20 942 476.3	302 424.2	38 546.5	415 202.5	36 730 245.2
2005	175 181.0	1 140.6	20 951 778.8	26 891 305.7	341 384.6	9 383.7	465 989.9	48 836 164.3
2006	648 865.1	458.7	32 944 457.8	35 806 406.2	522 314.9	26 073.6	656 450.1	70 605 026.3
2007	1 264 309.6	452.5	42 801 152.4	48 633 104.9	367 995.8	30 687.4	765 441.9	93 863 144.4
2008	1 760 112.7	545.1	57 345 315.4	65 888 334.2	471 593.4	29 677.8	775 826.5	126 271 405.1
2009	6 739 806.9	5 291.1	126 771 274.6	155 332 188.1	555 133.2	35 458.0	1 078 226.7	290 517 378.6
2010	6 422 552.2	8 064.8	179 589 290.2	223 084 404.2	386 751.8	58 548.7	1 338 030.8	410 887 642.6
2011	6 584 544.1	1 889.4	310 208 562.5	369 684 652.0	812 052.9	82 717.5	1 598 384.7	688 972 803.1
2012	6 140 420.0	1 823.3	357 441 426.5	377 787 010.7	559 870.3	81 977.4	2 182 711.9	744 195 240.1
2013	8 755 123.0	85.9	429 507 879.9	451 489 916.9	526 917.2	69 588.9	1 176 664.2	891 526 176.5

Банклараро тўлов тизимидаги тўлов ҳужжатлари бўйича ҳисоб-китобларнинг суммаси бўйича таркибига тўхталадиган бўлсак (жадвал), унда дебет мемориал ордери сўнгги йилда 8 трлн 755 млрд. 123 млн. бўлган ва бу 2003 йилга қараганда 17 баравар кўпроқ саналади. Ҳисоб-китоб чеклари орқали ўтказиладиган транзакциялар суммаси 2003 йилда 13 млрд. 655 млн. сўм бўлган бўлса, берилган муддат мобайнида бу кўрсаткич камайган ҳолда бугунги кунга келиб 85,9 млн. сўмни ташкил этмоқда. Кредит мемориал ордери ва тўлов топшириқномаси доимий равишда ошиб келмоқда. Инкассо топшириқномаси, тўлов талабномаси ҳамда аккредитивга ариза бўйича амалга оширилаётган транзакциялар суммаси мос равишда сўнгги 2013 йилда 1 117 684 млн, 528 917 млн ва 89 588 млн сўм сифатида қайд этилган.

жадвал

Банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган мижозлар ва улар ҳисобварақларининг сони бўйича маълумот (2014 йил 1 январ ҳолатига кўра)²⁴

²⁴ <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

Йил	Мижозлар сони	Ҳисобварақлар сони
1997	187 415	206 514
1998	245 481	291 682
1999	270 434	291 034
2000	313 204	301 861
2001	383 090	416 713
2002	441 786	575 496
2003	515 203	751 175
2004	583 889	1 488 270
2005	656 137	2 007 607
2006	732 944	2 561 658
2007	849 819	3 206 841
2008	950 848	3 329 601
2009	1 026 844	3 327 260
2010	1 100 541	3 612 506
2011	1 159 890	3 926 356
2012	1 224 732	4 207 601
2013	1 285 424	4 289 556
2014	1 359 831	4 622 770

Банкларда пуллариini сақлаётган барча омонатчилар ва ҳисобварақлар эгаларининг сони бевосита рўйхатга олинган ҳолда тузиладиган база маълумотларига асосан 1997 йилдан бошлаб бу кунгача мијозлар сони ва очилган ҳисобварақлар сони пропорционал равишда ошиб келиши кузатилди (жадвал). Маълумотларга кўра 1997 йилда атиги 187 минг 416 та мијоз ва 206 минг 614 та ҳисобварақ қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич сўнгги йилларда доимий ўсган ҳолда 2014 йилга келиб 1 млн. 359 минг 831 та мијоз ва 4 млн. 622 минг 770 та ҳисобварақ эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолат мијозлар сонининг ортаётгани ва кўпроқ одамлар ўз пуллариini банкда сақлашаётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолиятини такомиллаштириш ва самарали ташкил этиш мақсадида Марказий банк ҳузуридаги Ахборотлаштириш бош марказида «Банклараро универсал неттинг ахборот тизими» дастурий мажмуаси ишга туширилди.

Шу муносабат билан «Ўзкарт» тизимида ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича банк вазифалари Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Банклараро ҳисоб-китоб марказидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Клиринг марказига ўтказилди.

Тижорат банкларининг ўзаро мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларнинг Марказий банк Ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилиши ҳисоб-китоб операцияларини ўтказиш муддатларининг қисқаришига ва тўлов тизими транзакцион харажатларининг камайишига олиб келди ҳамда тижорат банкларига ўз маблағларидан янада самаралироқ фойдаланиш имкониятини берди.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланувчилар, жумладан, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан («банк-мижоз», «интернет-банкнинг», «мобил-банкнинг», «SMS-банкнинг») фойдаланувчилар сони ҳам ортиб бормоқда.

2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 250 мингтадан ортди. Шундан, «интернет-банкнинг» ва «банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 75 мингтани ташкил этиб, уларнинг сони 2013 йил бошига нисбатан 2,3 баробарга кўпайди.

Банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар турларини янада кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш борасида амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар 2014 йилда ҳам давом эттирилади.

Бунда асосий эътибор қишлоқ жойларида банк инфратузилмалари тармоғини кенгайтириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб хизматлар кўрсатиш, жумладан, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматлари («банк-мижоз», «интернет-банкнинг», «мобил-банкнинг», «SMS-банкнинг») кўрсатиш кўламларини янада кенгайтириш билан боғлиқ ишлар амалга оширилади.

Шу билан бирга, банк пластик карточкаларини муомалага чиқариш ҳажмларини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими янада кенгайтирилади.

Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар қўламларини кенгайтириб боришда хавфсизлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу эса, ўз навбатида, молия бозорида рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизматлари сифатининг ошишига хизмат қилди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда мамлакатимизда электрон тижоратни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар, хусусан, «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири ишлаб чиқилади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҲИСОБ-КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Республикамизда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш борасида қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, тараққий этган мамлакатлардан фарқли ўларок, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари миллий валютада фақат битта “Ностро” вакиллик ҳисобрақамига эга. Ушбу вакиллик ҳисобрақами Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг балансида очилган. Тараққий этган мамлакатларда эса, ҳар бир тижорат банки миллий валютада иккита “Ностро” вакиллик ҳисобрақамига эга. Ушбу вакиллик ҳисобрақамининг биттаси Марказий банкнинг балансида (вертикал вакиллик ҳисобрақами) очилган бўлса, иккинчиси мамлакатдаги бошқа тижорат банкларининг балансида (горизонтал вакиллик ҳисобрақами) очилган. Банклараро ҳисоб-китобларнинг барчаси горизонтал вакиллик ҳисобрақами орқали амалга оширилади. Тижорат банкининг Марказий банк билан ҳисоб-китоблари (Марказий банкдан кредит олиш, Марказий банкка депозитлар жойлаштириш, мажбурий захира ажратмасини ўтказиш каби операциялар) вертикал вакиллик ҳисобрақами орқали амалга оширилади.

Тижорат банкларининг ўзаро горизонтал вакиллик ҳисобрақамларига эга эмаслиги тўловлар ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишда қўлланиладиган ҳисоб-китоб чекларининг мавжуд эмаслиги, фикримизча, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш механизмидаги асосий камчиликлардан бири. Чунки халқаро банк амалиётида ҳисоб-китоб чеклари нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мустақил шакли ҳисобланади ва ўзига хос афзалликларга

эгадир. Демак, мамлакат тўлов амалиётида уларнинг йўқлиги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тўлақонли амалга оширилмаётганлигидан далолат беради.

Тараққий этган мамлакатлар амалиётида банкларнинг ордерли чекларидан кенг кўламда фойдаланилади. Мазкур чекларнинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шундаки, уларни индоссамент орқали учинчи шахсларга узатиш мумкин. Натижада ордерли чеклардан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни камайтиришда фойдаланиш имконияти юзага келади.

Республикамиз тижорат банлари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган тўловларнинг 98 фоизи тўлов топшириқномаси орқали ўтказилган тўловларнинг ҳиссасига тўғри келиши кузатилган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётининг такомиллашмаганлигидан далолат беради.

Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, республикамизда банклар томонидан очилган аккредитивларнинг нақд пулсиз тўловлар ҳажмидаги салмоғи жуда кичик. Бунинг устига, ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг асосий қисми таъминланган аккредитивларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунинг натижасида хўжалик субъектларига тегишли пул маблағларининг маълум қисми уларнинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолмоқда.

Мамлакатимиз хўжалик ва банк амалиётида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг соф инкассо шакли мавжуд эмас. Ушбу шаклнинг мавжуд эмаслиги республикамизда тижорат векселлари муомаласининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Соф инкассонинг мавжуд эмаслиги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини янада оширишга тўсқинлик қилади. Чунки тижорат векселлари индоссамент орқали бошқа субъектларга узатилиши натижасида, биринчидан, нақд пулсиз тўловлар ҳажмини оширади, иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик ҳажмини қисқартириш имконини беради.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тўлов талабномаси шакли бозор иқтисодиёти муносабатларининг табиатига мос келмайди. Бунинг сабаби шундаки, тўлов талабномаси орқали тўлови ундирилмасдан жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг суммалари тўланади. Аслида тўлови ундирилмасдан сотилган товарлар кредитга сотилган деб ҳисобланиши ва унга маълум фоизда қўшимча тўлов тўланиши керак. Ёки тўлови ундирилмасдан сотилган товарлар суммасига тижорат вексели ёзилиши керак. Республикамиз амалиётида эса, тўлови ундирилмасдан сотилган товарлар кредитга сотилган деб ҳисобланмайди.

Тўлов талабномасидан фойдаланиш борасидаги долзарб муаммолардан бири тўловни солиштириш далолатномаси асосида ўз вақтида ундириш муаммоси ҳисобланади. Муаммонинг моҳияти шундаки, айрим фермер хўжаликлари хусусий фирмалардан товарлар сотиб олганлар. Тўловни ундиришда ушбу фирмаларнинг кўпчилигини ёпилиб кетганлиги қийинчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.


Мамлакатимиз амалиётида тўловларни амалга оширишнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилмоқда. Ушбу кетма-кетликда тўловларни ундиришда устуворлик Давлат бюджети олдидаги қарздорликни тўлашга қаратилади. Бунда солиқ тўловларини кейинги даврлар учун ундирилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимиغا нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш борасидаги долзарб муаммолардан бири айрим банкларда ликвидлилик муаммосининг мавжудлиги ҳисобланади. Ликвидлилик муаммоси эса банклар орқали тўловларни ўтказиш ҳажми ва узлуксизлигига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш республикамизда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш имконини беради. Бунинг учун, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз:

1. Банкларнинг ордерли чекларини амалиётга жорий қилиш лозим.

Халқаро банк амалиётида, хусусан, Германия банк амалиётида банкларнинг ордерли чекларидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда кенг фойдаланилмоқда.



3.1.-расм. Банкларнинг ордерли чеклари воситасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

Бу ерда:

1. Товарларни олди-сотди қилиш шартномасини имзолаш.
2. Сотиб олувчи ўзининг банкига чек ёзиш тўғрисида ёзма кўрсатма беради.
3. Сотиб олувчининг банки ордерли чекни ёзади.
4. Банк чекни сотиб олувчига беради.
5. Товари сотувчи товарларни сотиб олувчига жўнатади.
6. Товари сотувчи товарлар билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сотиб олувчига жўнатади.
7. Сотиб олувчи чекни товари сотувчига узатади.
8. Товари сотувчи чекни ўзининг банкига узатади.

9. Товарни сотувчининг банки чекни қабул қилиб олади.

10. Товарни сотувчининг банки чекни сотиб олувчининг банкига жўнатади.

11. Сотиб олувчининг банки чек бўйича тўловни амалга оширади.

12. Сотиб олувчининг банки товарни сотувчининг банкни 11-операция бажарилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

13. Товарни сотувчининг банки тўлов суммасини товарни сотувчининг жорий ҳисобрақамига ўтказди.

14. Товар сотувчининг жорий ҳисобрақамидан кўчирма бериш.

Банкларнинг ордерли чеклари қуйидаги афзалликларга эга:

1. Банкларнинг ордерли чекларини индоссамент орқали учинчи шахсларга узатиш мумкин. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни қисқартиришга хизмат қилади.

2. Банкларнинг ордерли чеклари товарларнинг сотилишини тезлаштиради. Хужжатлаштирилган аккредитивлардан фарқли ўлароқ, ордерли чекларда товарни жўнатиш тўлов суммасини депонентлаш ёки тўлов юзасидан сотиб олувчи банкнинг кафолатини олиш жараёнига боғлиқ эмас.

3. Тараққий этган мамлакатларда ордерли чекларнинг асосий қисми тижорат банкларининг овердрафт ёки муддатли кредитлари ҳисобидан тўланади. Бунинг натижасида ордерли чеклар бўйича тўловсизлик муаммосининг юзага келишига йўл қўйилмайди.

Фикримизча, банкларнинг ордерли чекларини республикаимиз нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиётига жорий қилиш лозим. Ушбу чекларнинг индоссамент орқали бошқа шахсларга ўтказиш мумкинлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш лозим. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни маълум даражада камайтириш имкони юзага келади.

Тижорат банклари ордерли чекларни ўзларининг муддатли кредитлари ҳисобидан тўлаб беришни йўлга қўйишлари лозим. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, товарларни сотиб олувчиларнинг кредит тўловига лаёқатлилиги

синчиклаб ўргалиши лозим. Республикамиз тижорат банклари мижозлари орасидан тўлов қобилияти барқарор бўлган мижозларни танлаб олиб, уларга ордерли чекларни кредитлар ҳисобидан тўлаб бериш бўйича молиявий хизматлар кўрсатиши лозим.

Аммо менинг фикримча, банкларнинг ордерли чекларини овердрафт кредитлари ҳисобидан тўланишига йўл қўймаслик лозим. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатда тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилаётган шароитда овердрафт кредитларининг қайтмаслик эҳтимоли юқори бўлади. Шу сабабли, овердрафт кредитларининг берилиши тижорат банкларининг фаолиятида кредит риси муаммосини юзага келтириши мумкин.

2. Барқарор пул оқимида эга бўлган мижозлар учун таъминланмаган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар операциялари ҳажмини ошириш лозим.

Фикримизча, тижорат банклари мижозларнинг тўлов қобилияти бўлганларини алоҳида ажратиб олиб, уларга таъминланмаган ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича молиявий хизмат турини кўрсатишлари лозим. Бунда тўлов риси тўлиқ аккредитив банкнинг, яъни сотиб олувчининг банки зиммасига тушади. Товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар келиб тушганда сотиб олувчининг жорий ҳисобрақамида пул маблағлари бўлмаса, у ҳолда, аккредитив суммаси тижорат банкнинг муддатли кредитлари ҳисобидан тўлаб берилиши лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, корхоналарга тегишли пул маблағларининг маълум қисмини уларнинг хўжалик оборотидан чиқиб қолишининг олди олинади; иккинчидан, тижорат банкларининг ушбу хизмат туридан оладиган даромадлари миқдори кўпаяди.

Лекин шу ўринда, қайд этиш жоизки, аккредитивлар бўйича тўлов суммаси банкларнинг овердрафт кредитлари ҳисобидан тўланмаслиги лозим. Тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилаётган шароитда овердрафт кредити бериш кредит риси даражасининг ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган

муаммолардан яна бири – бу тижорат банклари томонидан миллий валютада очилаётган хужжатлаштирилган аккредитивларнинг 90 фоиздан ортиқ қисмини таъминланган аккредитивлардан иборат эканлигидир²⁵.

Таъминланган аккредитивларга хос бўлган асосий камчилик корхоналарга тегишли пул маблағларининг маълум қисмини уларнинг хўжалик оборотидан чиқиб қолиши ҳисобланади. Бу эса, республикамиз корхоналари пул оқимининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Чунки хужжатлаштирилган аккредитивларда тўлов суммаси корхонанинг жорий ҳисобрақамидан олиниб, алоҳида ҳисобрақамда (22602-ҳисобрақам) депонентланади. Депонент қилинган маблағларга тижорат банклари томонидан фоиз тўланмайди.

Тараққий этган мамлакатларда хужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича тўлов суммасини депонент қилиш усулидан деярли фойдаланилмайди. Бунда асосан аккредитивларнинг тасдиқланмайдиган, чақириб олинмайдиган ва таъминланмаган шаклларида фойдаланилади.

Тасдиқланмайдиган аккредитивлар деганда тижорат банки томонидан очилган аккредитивнинг учинчи банк томонидан тасдиқланмаслиги тушунилади. Мамлакат ичидаги тўловларда аккредитивнинг учинчи банк томонидан тасдиқланиши тўлов rischi даражасини пасайтириш мақсадида қўлланилади. Одатда нисбатан катта суммага аккредитив кичик банк томонидан очилган бўлса йирик банк кичик банкнинг ликвидлилигига шубҳа билан қарайди ва ушбу аккредитивни учинчи бир ўрта ёки катта банк томонидан тасдиқланиши талаб қилади.

Чақириб олинмайдиган аккредитив деганда, уни очган банк томонидан томонларнинг (бенефициар, аризадор, хабар қилувчи банк) розилигисиз аккредитивни бекор қилиш ёки шартларини ўзгартириш мумкин бўлмаган аккредитивга айтилади.

²⁵ Республикамиздаги йирик тижорат банкларининг баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

3. Тўлов топшириқномалари воситасидаги ҳисоб-китобларда тижорат банкларининг етказиб бериладиган товарларнинг сифати ва ўз вақтида етказиб берилиши устидан бериладиган кафолатларидан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Бунинг натижасида сифатсиз товарлар етказиб бериш ва товарларни ўз вақтида етказиб бермаслик ҳолатлари кескин камаяди, тўлов топшириқномалари орқали амалга ошириладиган тўловларнинг ҳажми ошади.

4. Нақд пулсиз тўловларнинг мақсадли кетма-кетлигидан босқичма-босқич календар кетма-кетлигига ўтиш лозим.

Ушбу тадбирнинг амалиётга жорий қилиниши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга кучли туртки беради. Хўжалик юритувчи субъектнинг қайси турдаги қарздорлиги олдин пайдо бўган бўлса, ана шу қарздорлик биринчи бўлиб тўланади. Бунинг натижасида қуйидаги ижобий натижаларга эришилади:

- тўловларни амалга ошириш жараёнида давлат ва хусусий сектор манфаатларининг уйғунлиги таъминланади;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимига нисбатан мақсадли кетма-кетликнинг қўлланилиши оқибатида юзага келган салбий таъсирга барҳам берилади;

- чеклар, ҳужжатлаштирилган аккредитивларни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан тўлаш ҳажми ошади;

- нақд пулсиз тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш даражаси ошади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, банклар фаолиятининг анъанавий операцияларидан бўлмиш ҳисоб-китоб операциялари банкларнинг воситачилик вазифасини амалга ошириши учун асос ҳисобланади. Битирув малакавий иши мавзусини ўрнганиш учун олиб борилган тадқиқотлар юзасидан қисқача қуйилаги илмий ва назарий **хулосаларга** келинди:

❖ Тижорат банклари ҳисоб-китоб операциялари тижорат банкларининг асл моҳиятини ва аҳамиятини кўрсатувчи энг муҳим хизмати;

❖ Ҳисоб-китоб операциялари турлари ва уларни амалга ошириш тартиб қоидалари давр ўзгариши билан эволюцион тарзда ҳар хил шаклларга эга бўлиши мумкин;

❖ Сўнгги бир аср мобайнида ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш тезлиги олдинги асрга нисбатан деярли 100 баравар ортиди ҳамда лаҳзада амалга ошириладиган кўринишга келди;

❖ Мамлакатимиз тижорат банкларининг ҳисоб-китоб операциялари бутун жаҳон молия ва банк тизими амалга оширадиган ҳисоб-китоб операцияларига мувофиқ келади ҳамда бир қанча замонавий талабларга жавоб беради.

Эндиликда, тижорат банкларига нисбатан миждозларнинг ишончи ҳам айнан шу ҳисоб-китобларни самарали, тезкор ва ҳавфсиз равишда ўтказилиши билан узвий боғлиқ бўлмоқда. Тижорат банклари фаолиятида миждозларнинг ҳисобрақамларидаги ҳаракатни ўз вақтида оператив тарзда амалга оширилишининг назорати ўзига хос энг биринчи даражадаги талаблардан бири эканлиги яна бир бор малака иши ёритилиши орқали тасдиқланди.

Мамлакатимиз банк тизимида сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида ҳисоб-китоб операцияларининг ташкил этилиши тобора такомиллаштирилиб борилмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан тараққий

этган мамлакатларда йўлга қўйилган кўпчилик ўзига хос воситалар бизда ҳали йўлга қўйилмаган. Шу жиҳатдан, ушбу тизимни янада такомиллаштириш йўлида бир қанча илмий ва **амалий таклифларни** келтириб ўтиш лозим деб топдик:

1. Тижорат банклари фаолиятида электрон тўловларни янада такомиллаштириш мақсадида соддалаштирилган маҳаллий дастурий таъминотларни яратиш ва улардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш;

2. Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш йўлида уларга таклиф этилаётган масофавий банк хизматлари орқали киритилаётган тўловлар шакллари кенгайтириш ва янада кўпроқ қулайликлар яратиш;

3. Халқаро ҳисоб-китоб операцияларидан фойдаланиш тартибларини соддалаштириш ва доимий хорижий ҳамкорларга нисбатан тўловларни ўтказишда қўшимча имтиёзлар яратиш;

4. Маҳаллий тўловларни ташкил этишда онлайн тизимида ишлаш узлуксизлигини таъминлаш учун барча турдаги иқтисодий субъектларни тегишли тўлов терминаллари ва хизмат кўрсатувчи банкоматлар билан таъминлаш;

5. Доимий маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва банк ҳисоб-китоб операциялари бўйича махсус янгиликларни жорий этиш гуруҳларини ташкил этиш;

6. Мамлакатимиз тижорат банкларида амалга ошириладиган ҳисоб-китоб операцияларининг шакллари ва усулларини янада кўпайтиришда хориж тажрибасидан кўпроқ фойдаланиш.

Умуман олганда ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда эндиликда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишдаги турли омиллар сабаб доимий такомиллаштирилиб борилиши зарурий ҳолдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Қонунчилик ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. 1995 йил 21 декабрь. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б. 7–29.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б. 30–46.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. I – 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 23–47.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли “Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б. 178–179.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган фармон ва қарорлар:

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 18 ноябрь, №ПФ-4053.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4057.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4058.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли “Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида” ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. I – 11. Тошкент: ГНПП “Картография”, 2005. – Б. 19–28.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726 – сонли “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2007. - №45 (285). – Б. 21-23.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. 2008 йил 27 март №ПҚ-822.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги Қарори. 2008 йил 31 октябрь №ПҚ- 991.

12. «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш ҳамда ўзлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 24.07.2008 й.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 160-сонли “Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини

кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги 1325-сонли “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари йили” давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

19. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

20. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

21. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

22. И.А.Каримов. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.

23. И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 2008. - 368 б.

24. И.А. Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -176 б.

25. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.– 528 б.

Китоблар ва туркум нашрлар

26. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. – 304 б.

27. Баринов Э.А. Рынки: валютные и ценных бумаг. – М.: Экзамен, 2001. – 608 с.

28. Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: Высшее образование, 2008. – 620 с.

29. Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. – 184 б.

30. Вахабов А.В., Бобакулов Т.И. Национальная денежная единица – сум Республики Узбекистан//Central Eurasia: national currencies. Monograph. – Stockholm, 2008. – P. 312-325

31. Газибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Тошкент: Молия, 2003. – 332 б.

32. Долан Э. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – М.: Ленинград. 1991. – 446 с.

33. Душаев Б.М. Монетарная политика: – Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2005. – 120 с.

34. Ершов М.В. Валютно-финансовые механизмы в современном мире: кризисный опыт конца 90-х. – М.: Экономика, 2000. – 319 с.

35. Зубков Е.Ф. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: ЮНИТИ, 2003. - С. 31-40.

36. Жумаев Н.Х., Кудайбергенов Ж.Ш. Международные финансовые отношения. Валютный курс и пути их регулирования. –Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2006. – 132 с.
37. Казимагомедов А.А., Ильясов С.М. Организация денежно-кредитного регулирования. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 272 с.
38. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: 2-е изд., перераб. и допол. –М.: Финансы и статистика, 2002. – 608 с.
39. Крашенинников В.М. Валютное регулирование в системе государственного управления экономикой: – М.: Экономика, 2003. – 399 с.
40. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 1999. – 352 с.
41. Лаврушин О.И. Деньги, кредит, банки. – М.: КНОРУС, 2009. – 560 с.
42. Маслюков Ю.Д. Распад мировой долларовой системы: ближайшие перспективы. – М.: Н.Е. Чернышова, 2001. –384 с.
43. Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. – М.: Экономистъ, 2008. – 652 с.
44. Миллер Л.Р., Ван-Хуз Д.Д. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. – Москва: Инфра-М, 2000. – 856 с.
45. Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. – Вашингтон, Д.С.: ИЭР МБРР, 1994. – 323 с.
46. Муллажанов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 296 б.
47. Наговицин А.Г. Валютная политика/РАН Институт внешнеэкономических исследований. – М.: Экзамен, 2000. – 512 с.
48. Платонова И. Валютное регулирование в современной мировой экономике. – М.: МФА, 1999. – 256 с.
49. Селигмен Б. Основные течения современной экономической мысли. Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1968. – 520 с.

50. Уэрто де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. – Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 663 с.
51. Фридмен М. Если бы деньги заговорили... . Пер. с англ. – М.: Дело, 1999. – 160 с.
52. Фридмен М. Основы монетаризма. – М.: ТЕИС, 2002.-175 с.
53. Фишер И. Покупательская сила денег. Академия народного хозяйства при Правительстве Российской Федерации. - М.: ДЕЛЮ, 2001.- 319 с.
54. Эйдельмант А. Буржуазные теории денег, кредита и финансов в период общего кризиса капитализма. – М.: Госфиниздат, 1958. – 263 с.
55. Buiter W.H., C.Grafe. Central Banking and the Choice of Currency Regime in Accession Countries. –Vienna: Societe Universitaire Europeenne de Recherches Financieres, 2001. –52 p.
56. Chandra, Prasanna. Finance sense. An Easy Guide for Non-Finance Executives. –New Delhi: Tata McGraw-Hill, 1998. –404 p.
57. Eichengreen B. Capitalizing on Globalization. –Philippines: Asian Development Bank, 2002. –66 p.
58. Hunt P.J. Financial Derivatives in Theory and Practice. –London: John Wiley & Sons, Ltd, 2004. –437 p.
59. Khandker Sh. R. Sustainability of a government targeted credit Pprogram: Evidence from Bangladesh. The World Bank. Washington: The World Bank, 1995. –95 p.
60. Keynes J.M. The General theory of Employment, interest and Money. – Economica, 1936. – 230 p.
61. Rana P.B. Monetary and Financial Cooperation in East Asia. The Chiang Mai Initiative and Beyond. –Philippines: Asian Development Bank, 2002. –21 p.
62. Вахабов А.В. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т. – Ташкент: Университет, 2003. – 538 с.
63. Ив Бернар, Жан-Клод Колли. Толковый экономический и финансовый словарь. В 2-х т. – М.: Международные отношения, 1994. -1504 с.

64. Крис Барлтроп, Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. В 2-х т. – Вашингтон: ИЭР МБРР, 1994. – 323 с.

65. Рикардо Д. Сочинение. В 2-х т. Пер. с англ. – М.: Политическая литература, 1955. – 389 с.

Интернет сайтлар

66. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами расмий сайти)

68. <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти)

70. <http://www.federalreserve.gov> (АҚШ Федерал резерв тизими расмий сайти)


69. <http://www.imf.org> (Халқаро валюта фонди расмий сайти)

70. <http://www.cbr.ru> (Россия Марказий банки расмий сайти)

ИЛОВАЛАР

1 – илова

ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЎТИШ СХЕМАСИ²⁶



²⁶ “Банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида” НИЗОМ Марказий банк 17.01.2006. 1-илова.

0505411002

"ЭЛЕКТРОН" ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИ № САНАСИ Тўловчининг
номи ДЕБЕТ
тўловчининг
х/в Тўловчининг
СТИРи Тўловчи
банкнинг номи Тўловчи банк
коди СУММА Олувчининг
номи КРЕДИТ
олувчининг х/в Олувчи
банкнинг номи Олувчи банк
коди Сумма сўз билан _____
_____Тўлов
мақсади Раҳбар Бош бухгалтер
(имзо) (имзо)

М.Ў.

	Текширилган	Маъкулланган	Банк томонидан ўтказилган
БАНК	 имзо	 имзо	 сана

0505411001

"ЭЛЕКТРОН" ТЎЛОВ ТАЛАБНОМАСИ №

САНАСИ

Тўловчининг
номиДЕБЕТ
тўловчининг
х/вТўловчининг
СТИРиТўловчи
банкнинг номиТўловчи банк
коди

СУММА

Олувчининг
номиКРЕДИТ
олувчининг
х/вОлувчи
банкнинг номиОлувчи банк
коди

Сумма сўз билан

Тўлов
мақсади

Рахбар

(имзо)

Бош
бухгалтер

(имзо)

М.Ў.

БАНК

Текширилган

Маъқулланган

Банк
ўтказилган
сана

томонидан

4-ИЛОВА

0505411008

"ЭЛЕКТРОН" МЕМОРИАЛ ОРДЕР №

САНАСИ

Тўловчининг
номи

ДЕБЕТ тўловчининг х/в		Тўловчининг СТИРи	
-----------------------------	----------------------	----------------------	----------------------

Тўловчи банкнинг номи		Тўловчи банк коди	
--------------------------	----------------------	----------------------	----------------------

СУММА

Олувчининг
номи

КРЕДИТ
олувчининг х/в

Олувчи банкнинг номи		Олувчи банк коди	
-------------------------	----------------------	---------------------	----------------------

Сумма сўз билан _____

Тўлов
мақсади

Раҳбар		Бош бухгалтер	
	(имзо)		(имзо)

М.Ў.

	Текширилган	Маъкулланган	Банк ўтказилган	томонидан
БАНК				
	имзо	имзо	сана	

0505411013

"ЭЛЕКТРОН" ИНКАССО ТОПШИРИҚНОМАСИ №

САНАСИ

Тўловчининг
номиДЕБЕТ
тўловчининг
х/вТўловчининг
СТИРиТўловчи
банкнинг номиТўловчи банк
коди

СУММА

Олувчининг
номиКРЕДИТ
олувчининг х/вОлувчи
банкнинг номиОлувчи банк
коди

Сумма сўз билан

Тўлов
мақсади

Раҳбар

(имзо)

Бош
бухгалтер

(имзо)

М.Ў.

БАНК

Текширилган

Маъқуланган

Банк
ўтказилган
томонидан

сана

6-ИЛОВА
0505411009

"ЭЛЕКТРОН" АККРЕДИТИВГА АРИЗА №

САНАСИ

Тўловчининг
номи

ДЕБЕТ
тўловчининг
х/в

Тўловчининг
СТИРи

Тўловчи
банкнинг номи

Тўловчи
коди

банк

СУММА

Олувчининг
номи

КРЕДИТ
аккредитив х/в

Олувчи банк
номи

Олувчи банк коди

Сумма сўз билан _____

Амал қилиш
муддати

Шартнома №

Буюртма №

Буюртма
санаси

Товар, ишлар ёки
хизматлар номи

Ҳужжат тури

Қўшимча
шартлар

Раҳбар

Ф.И.О.

(имзо)

Бош бухгалтер

Ф.И.О.

(имзо)

Текширилган

Маъқулланган

Банк томонидан ўтказилган

М.Ў.

БАНК

ИМЗО

ИМЗО

сана

7-ИЛОВА

0505411005

"ЭЛЕКТРОН" ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ

юз минг сўм

9	8	7	6	5	4	3	2	1
ю	ю	ю	ю	ю	ю	ю	ю	ю
м	м	м	м	м	м	м	м	м

ўн минг сўм

9	8	7	6	5	4	3	2	1
ў	ў	ў	ў	ў	ў	ў	ў	ў
м	м	м	м	м	м	м	м	м

минг сўм

9	8	7	6	5	4	3	2	1
м	м	м	м	м	м	м	м	м
с	с	с	с	с	с	с	с	с

юз сўм

9	8	7	6	5	4	3	2	1
ю	ю	ю	ю	ю	ю	ю	ю	ю
с	с	с	с	с	с	с	с	с

ўн сўм

9	8	7	6	5	4	3	2	1
ў	ў	ў	ў	ў	ў	ў	ў	ў
с	с	с	с	с	с	с	с	с

бир сўм

9	8	7	6	5	4	3	2	1
б	б	б	б	б	б	б	б	б
с	с	с	с	с	с	с	с	с

Акционер-тижорат

Ҳисоб-китоб чеки
серияси

Чекнинг берилган
санаси

СУММА

СЎМ

(рақам билан)

(сумма сўз билан)

(Жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

Паспорт серияси

рақами

Чек берувчининг
х/в

Банк
коди

Чек берган
банкнинг номи

Чек қабул
қилувчи
ташкilotнинг
номи

Чек қабул
қилувчининг х/в

Банк
коди

Чек қабул
қилувчи
банкнинг номи

Чек қабул
қилинган сана

Чекнинг амал
қилиш муддати

Бухгалтер	Кассир	
(имзо)	(имзо)	

8-ИЛОВА

Операциялар тури кодлари²⁷

Т/р	Хужжатларнинг номи	Операциялар тури
1.	Тўлов топшириқномаси	01
2.	Тўлов талабномаси	02
3.	Аккредитив учун ариза	05
4.	Мемориал ордер	06
5.	Инкассо топшириқномаси	11
6.	Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки	14

²⁷ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 6-7-сон, 48-модда.